Тошкент ҳақиқати

№ 147 (10.396).

1992 йил 20 октябрь сешанба

Баҳоси 2 сўм

1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН НАШР ЭТИЛМОҚДА.

Вилоят ижтимоий—сиёсий газетаси

СЕШАНБА, ПАЙШАНБА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.

ИШОНЧ ЁРЛИҒИ ТОПШИРИЛДИ

Малайзия давлатининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Муҳаммад Ҳорун жаноблари мамлакатимиз Президентига ишонч ёрлиғи топширди.

Элчи жаноблари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Малайзияга ташрифи чоғида Малайзия билан Ўзбекистон ўртасида алоқалар ўрнатилгани ва мамлакати халқи бу ташрифни қизғин кутиб олгани ҳақида сўзлади. Малайзия билан Ўзбекистон республикаси ўртасида дипломатия алоқаларининг ўрнатилиши Жанубий Осиё минтақаси ва Ўрта Осиё минтақаси ўртасидаги муносабатларни янада мустаҳкамлайди, деб ишонч билдирди.

Ислом Каримов Малайзиянинг Жанубий-Шарқий Осиё минтақасида, қолаверса, жаҳон иқтисодиётида тутган мавқеи Туркистондаги барча мустақил давлатларни, шу жумладан, Ўзбекистонни ҳам қизиқтираётгани тўғрисида гапирди. Яқин келажакда жаҳон сув йўлларига чиқишга уринаётган Ўзбекистон Малайзияни ишончли ҳамкор сифатида танияжак, деб умид билдирди.

Ишонч ёрлиғини топшириш маросимида Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазири У. Абдураззоқов ҳозир бўлди.

(ЎзА).

ХАЛҚ ҒАМИНИ ЕБ ЯШАМОҚ КЕРАК

Республика Вазирлар Маҳкамасида мажлис

17 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасида мажлис бўлди. Унда республика халқ депутатлари, вазирликлар ва идораларнинг масъул ходимлари, вилоятлар ва шаҳар ҳокимларининг ўринбосарлари, айрим ноҳияларнинг ҳокимлари, концернлар ва уюшмалар, бирлашмалар, суд, прокуратура органлари ва оммавий ахборот воситаларининг раҳбарлари қатнашдилар.

Мажлисни Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Муталов бошқарди.

Йиғилишда «Мева-сабзавот маҳсулотлари ва картошка тайёрлаш, уларни қишга асраш ҳамда қишлоқ хўжалиги ишларининг аҳволи тўғрисида»ги масала муҳокама этилди. Ушбу масала юзасидан Республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков маъруза қилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, кўпгина вилоятлар ва ноҳияларнинг ҳокимликлари, «Ўзмевасабзавотузумсаноат», «Ўзкооптайёрловсавдос и», республика қишлоқ хўжалиги вазирлиги, «Ўзбексавдо», Ўзбекбирлашув уюшмалари раҳбарлари ва уларнинг жойлардаги ташкилотлари вужудга келган ҳозирги шароитда мева-сабзавот ҳосилини ўз вақтида йиғиштириб олиш ҳамда картошка, мева-сабзавот, узум ва боғдорчилик маҳсулотларини белгиланган ҳажмда қишга тайёрлаш бўйича топшириқларни бажариш қишлоқ хўжалиги барча ишларини муваффақиятли тугаллашнинг ижтимоий-иқтисодий ахамиятини тўла тушуниб етмаётганлари йиғинда таъкидлаб ўтилди.

Фактлар шундан далолат берадики, ҳокимликларнинг бу ишга лоқайдлиги ва назоратсизлик оқибатида Бухоро, Сурхондарё, Фарғона вилоятларида ва Тошкент шаҳрида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан омборларда кам картошка сақлашга қўйилган. Умуман, республикамизда кам сабзавот ғамланган. Ресурслар мавжудлигига қарамай, Бухоро, Жиззах, Сирдарё, Тошкент ва Фарғона вилоятларида пиёз жамғариш пайсалга солинмоқда. «Ўзбексавдо» ва Ўзбекбирлашув уюшмаларининг бўлинмаларида маҳсулотларни сақлаш ишлари ниҳоятда қониқарсиз олиб борилмоқда. Шу билан бир вақтда катта миқдордаги мева-сабзавот маҳсулотлари республиканинг ташқарисига олиб чиқиб кетилишига йўл қўйилаётгани ташвишланарлидир.

«1992/93 йилнинг кузгиш даврида республика халқ хўжалигининг барқарор ишлашини таъминлашнинг аҳволи (Фарғона вилояти мисолида), иситиш қозонхоналарининг шайлиги, ёқилғи заҳираларини бўнёд этиш ва резерв идишларини мазут билан тўлдириш ҳақида»ги масала муҳокама этилди. Бу ҳақда республика Бош вазирининг ўринбосари Қ. Ҳаққулов маъруза қилди.

Мажлисда қайд этилганидек, вазирликлар ва идоралар, корхоналар ва ташкилотлар, маҳаллий кенгашлар, тасдиқланган дастурларга мувофиқ хўжаликларни қиш шароитида ишлашга тайёрлаш чора-тадбирларини амалга оширмоқдалар. Бироқ халқ хўжалигининг бир қанча тармоқларида режалар ўз вақтида бажарилмади.

Объектларни моддий-техника ресурслари, эҳтиёт қисмлар ва ёқилғи билан таъминлашда аҳвол мураккаблашганига эътибор қаратилди. Асбоб-ускуналар, ёқилғи материалларнинг нархи ошиб бораётган, хўжалик юритишнинг янги усулларига ўтилаётган ҳозирги шароитда турли даражалардаги раҳбарларнинг ўз вақтида қарорлар қабул қилишда йўл қўйган камчиликлари айрим тадбирларнинг ва вазирлар маҳкамаси протокол топшириқларининг бажарилиш муддатлари барбод бўлишига олиб келмоқда.

Фарғона вилоятида қишга тайёргарлик ишлари кўнгилдагидек олиб борилмаяпти. Маҳаллий бошқарув органларининг, вазирликлар ва идоралар вилоят бўлинмаларининг ана шу йўналишдаги ташкилотчилик фаолиятида жиддий камчиликлар борлиги айтиб ўтилди.

Шундан кейин кун тартибининг навбатдаги масалалари — «Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ органларини янада мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда «Ўзбектуризм» миллий компанияси фаолиятини ташкил этиш ишлари ҳақида»ги масалалар кўриб чиқилди.

Мажлисда «Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси университетининг фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги масала ҳам муҳокама қилинди. Мазкур масала бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчиси С. Саидқосимовнинг ахбороти тингланди.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг раиси Ш. Йўлдошев иштирок этди.

Т. БОТИРБЕКОВ,
ЎзА мухбири.

МАРРАГА ЕТГАНЛАР

ҲАММАСИ МАШИНАДА ТЕРИЛДИ

БЕКОБОД. Чўлда меҳнат қилишнинг ўзи бўлмайди. Саратоннинг олов селини пуркайдиган иссиғи, куз уқишнинг изғиринларига бардош бериш, баъзида ўзлигингни унутиб оромингдан кечиш керак бўлади.

«Фарҳод» жамоа хўжалигида ишлайдиган Асадилла Марқабоев ана шундай деҳқонлардан ҳисобланади. У бу йил жамоага усталик билан бошчилик қилмоқда. 51 гектар майдонда пахтадан юқори ҳосил етиштирилди. Қийинчиликларни иродасини ишга солиб, илғор тажрибаларни қўлланиб, одамларни уюштириб уларни рағбатлантириб енгди. Шунинг учун ҳам далаларда мўлжалдаги ҳосил тўпланди. Ҳосилининг талайгина қисми эртаги бўлиб етилди.

Чўлда ишчи кучи кам. Шунинг учун бутун умид техникага қаратилди. Мавсумга пухта созланди. Барг тўкиш вақтида ва сифатли ўтказилди. Терим машинаси унумли ишлай бошлади. Биринчи теримнинг ўзидаёқ ҳар гектаридан 21 центнердан ошириб ҳосил йиғиб олинди. Шу ҳисобга режа барвақт уддаланди. 108 тонна ўрнига 110 тонна қимматбаҳо хом ашё топширилди.

Илғор жамоа деҳқонлари яна гектаридан 5—6 центнердан ҳосил топширишни кўзда тутиб йиғим-теримни қизғин давом эттирмоқдалар.

БЕКОБОД районидаги «Шоликор» давлат хўжалигида шоли ўрим-йиғими қизғин давом этмоқда. Л. Сергей, С. Эргашев, Э. Жониқулов ўртоқлар бошлиқ бригадалар ҳар гектар майдондан ўртача 50 центнердан ҳосил олишмоқда. Шу кунларда хўжалик далаларида 50 га яқин комбайн тинимсиз ишлаб турибди. А. Югай, С. Эралиев, В. Заренний каби илғор ўрувчилар ўз агрегатлари билан ҳар куни 8—10 тоннага етказиб шоли янчмоқда. Уларга иш сифатига қараб 1 тонна шоли учун 20—25 сўмдан ҳақ тўланмоқда. Шоликорлар 3 минг гектар жойда етиштирилган ҳосилни шу ойнинг охиригача тўлиқ йиғиштириб олиш ниятида.

Ҳ. САЙДАЛИЕВ.

Суратларда: хўжалик директори Э. Ҳатамов (чапда) комбайнчи М. Ҳакимов ва 2-бўлим бошқарувчиси Х. Мирзаев билан ҳосил чўғини чамалаб кўришмоқда; хирмонда.

Сураткаш А. МАЛЬЦЕВ.



ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИДА

ДОЛЗАРБ, ҲАЁТИЙ, ЗАРУР

Кеча Тошкент вилоят ҳокимлигида бўлиб ўтган йиғилиш Ўзбекистон республикаси президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» рисоласи ҳамда «Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси лойиҳаси»ни муҳокама қилишга бағишланди.

Йиғилишни вилоят ҳокими С. Д. Сайдалиев кириш сўзи билан очди ҳамда муҳокамага қўйилган ҳар икки масала юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини ўртага ташлади.

Шундан сўнг И. А. Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» рисоласи юзасидан «Ўзбекистон овози» газетасининг бош муҳаррири Шараф Убайдуллаев батафсил маъруза қилди. У рисоланинг бугунги кундаги моҳияти ҳақида алоҳида тўхталди. Унинг барча жиҳатларини чуқур таҳлил асосида баён этиб, мустақил Ўзбекистон аҳли бу тарихий асарни катта қизиқиш билан ўрганаётганлигини таъкидлади.

Йиғилишда республика Конституциявий назорат комиссиясининг раиси академик Шовкат Ўрозаев Ўзбекистон Конституцияси лойиҳасини тайёрлаш жараёни ҳақида гапириб берди. Мустақил республикамиз Асосий қонуни лойиҳасини халқимиз қизғин кутиб олиб, ишчанлик билан муҳокама қилаётганлигини таъкидлаб, комиссия ана шу муҳокамаларда билдирилаётган кўплаб таклиф ва истаклар олаётганини ва улар синчиклаб ўрганилаётганлигини маълум қилди.

Йиғилиш қатнашчилари муҳокамада қизғиқиш билан фаол иштирок этдилар. Юқоричирчиқ районидаги Аҳмад Яссавий жамоа хўжалиги раиси, Ўзбекистон халқ ноиби А. Машаҳабов, вилоят прокурори А. Маннонов, Олмалиқ шаҳар ҳокими Ю. Н. Беланов ўртоқлар рисола ва лойиҳа юзасидан ўз фикр ва мулоҳазаларини баён этдилар, баъзи таклифларни ҳам билдирдилар.

Йиғилишда республика президентлик Маҳкамасининг масъул ходими И. Саидов иштирок этди.

Йиғилиш ҳақидаги ҳисобот газетанинг навбатдаги сонида эълон қилинади.

С. ҲАСАНОВ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА

МДҲ мамлакатларидан келтириладиган энергия манбаларининг нархи ошганлиги, нефть ва газ қазиб олиш, иссиқлик ва электр энергияси ишлаб чиқариш ҳаражатлари кўпайганлиги ва республикага етказиб берилаётган озиқ-овқат маҳсулотлари анча қимматлашганлиги муносабати билан, шунингдек ёқилғи-энергетика мажмуи ва халқ хўжалиги тармоқларининг барқарор ишлашини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси 1992 йил 16 октябрь куни «Энергия ресурсларининг нархларини давлат йўли билан тартибга солиш тўғрисида» ва «Озиқ-овқат маҳсулотларининг нархларини тартибга солиш ҳамда чорва ва сут харид нархларини ошириш тўғрисида» қарорлар қабул қилди.

Қарорларга мувофиқ, 1992 йил 19 октябрдан бошлаб нефть, табиий ва суюлтирилган газ, газ конденсати, электр, иссиқлик энергияси ва кўмир истеъмолчилар билан ҳисоб-китоблар шартномавий (эркин нархлар) ва тарифлар бўйича амалга оширилади, бюджет ҳисобидаги ва қишлоқ хўжалиги ташкилотлари ҳамда аҳоли бундан мустаснодир.

Жорий 1992 йилда МДҲ мамлакатларида, жумладан, энергия манбалари нархларига узлуксиз эрк берилмоқда. Масалан, Россия Федерациясида кейинги ярим йилнинг ўзида нефть ва нефть маҳсулотларининг нархлари икки марта—аввалига 1,75, баравар, шу йилнинг октябрида 3,5 баравар оширилди. Ҳамдўстликнинг бошқа республикаларида ҳам нарх-наво мана шундай ошиб бормоқда.

Қуйидаги жиддий далилга ҳам эътиборни қаратмоқ керак: ҳозир Ўзбекистон энергия манбалари асосий турларининг анчагина қисмини Россия, Қозоғистон ва Туркманистондан олмоқда. Чунончи, четдан келтирилаётган нефть ва нефть маҳсулотларининг ҳажми 75 фоизни, кўмир ҳажми 33 фоизни, суюлтирилган газ ҳажми 90 фоизни ташкил этади ва ҳоказо. Мазкур минтақаларда мана шу энг муҳим хомашё ресурсларининг нархлари салкам бир йил муқаддам шартнома қоидаларига ўтказилган.

Ҳозир электр ва иссиқлик энергияси ишлаб чиқариш, нефть ва табиий газ қазиб олиш, аҳолига уй-жой ва коммунал ҳамда транспорт хизмати кўрсатиш ҳаражатлари кескин ошиб кетди. Биттагина мисол келтирамиз. Республикада бир киловатт-соат электр энергия ҳосил қилиш чиқими 2 сўм 29 тийинни ташкил этади, аҳоли учун тариф эса атиги 40 тийин ёки 5,7 баравар арзон қилиб белгиланмоқда. Бунда чиқимларнинг 82 фоизи бюджет ҳисобидан қопланмоқда.

Юқорида кўрсатиб ўтилган сабаблар, шунингдек МДҲ мамлакатларида энергия манбаларининг шартномавий (эркин) улгурки нархлари ошгани республика ҳукуматини ана шу қарорларни қабул этишга мажбур қилди.

Қарорларда кўзда тутилишича, 19 октябрдан бошлаб бир литр автобензиннинг нархи 30 сўм миқдорида белгиланади, бир тонна кўмирнинг нархи 1,4, суюлтирилган газнинг нархи эса 1,66 баравар оширилади.

Уруш қатнашчилари ва фахрийларига, уруш ва меҳнат ногиронларига сотиладиган бензиннинг имтиёзли нархи сақлаб қолинади, уларга ойига 50 литргача миқдорда, ҳар бир литри учун 10 сўмдан бензин бериш белгиланади.

1992 йил 1 ноябрдан бошлаб табиий газнинг нархи 1,5 баравар оширилади, электр энергия тарифи 1 киловатт соат учун 40 тийин қилиб белгиланади, марказий иситиш ва иссиқ сув таъминоти нархлари 5 баравар, шаҳарда ва шаҳар атрофида йўловчилар ташиш ҳақи 2 баравар оширилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида 1992 йил 19 октябрдан бошлаб бюджет ҳисобидаги ва қишлоқ хўжалиги ташкилотларига табиий газ, электр энергия ва иссиқлик энергияси, кўмир шартномавий нархлар ва тарифлар бўйича бериладиган бўлади, аммо уларнинг нархлари ва тарифлари ҳозирги вақтда амалдаги нархлар чекланган ошириш коэффициентлари қўлланилган ҳолидан ошиқ бўлмайди.

Ҳатто аҳоли учун белгиланган янги оширилган чакана нархлар ва тарифларнинг даражаси ҳам энергия манбалари ишлаб чиқариш чиқимларини копламаслигини таъкидлаб ўтмоқ керак. Бу нарх ва тарифларга оид маълумотлар қуйидагича:

(сўм ва тийин ҳисобида).

Улчов бирлиги	маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизмат чиқимлари	маҳсулот ва хизмат тарифи ёки нархи	бюджетдан қопланадиган чиқимлар (бирлик учун сўм ва тийин ҳисобида)
электр энергия 1 квт-соат	2—29	0—40	1—89
табиий газ 1000 куб. м.	449—40	150—00	299—40
суюлтирилган газ 1 кг	14—74	5—00	9—74
кўмир 1 тонна	2289—00	700—00	1589—00
иссиқлик таъминоти 1 гкал.	1307—00	37—50	1269—50
транспорт 1 сафар	4—20	2—00	2—20

Жадвалдан кўриниб турибдики, чиқимларнинг асосий улушини давлат ўз зиммасига олади, ҳамма тўрдаги чиқимларнинг 52—97 фоизи бюджетдан қопланади. Фақат шу йилнинг IV чорагида аҳолига кўмир сотишдан кўриладиган зарарни қоплаш учун бюджетдан 1,6 миллиард сўм, иссиқлик энергияси билан таъминлашдан кўриладиган зарарни қоплаш учун 4,2 миллиард сўм ажратиш кўзда тутилади. Транспорт хизматининг бюджетдан қопланадиган зарари 1,6 миллиард сўмни ташкил этади.

Ўзбекистонда жорий этилаётган янги чакана нархлар ва тарифлар МДҲ мамлакатларидаги нархлар ва тарифлардан камроқдир. Чунончи, Қозоғистонда бир тонна кўмирнинг амалдаги чакана нархи 1660 сўм, Тожикистонда эса 1000 сўм бўлгани ҳолда, бизнинг республикамизда кўмирнинг чакана нархи ўрта ҳисобда 700 сўм қилиб белгиланмоқда. Қозоғистонда аҳоли учун иситишга ишлатиладиган бир минг куб метр табиий газнинг қиймати 1080 сўм, Қирғизистонда 830 сўм, Ўзбекистонда эса 150 сўмдир.

Шу туфайли ёқилғи-энергетика ресурслари ва аҳолига кўрсатиладиган хизматларнинг чакана нархлари ҳамда тарифлари кўзда тутилганидек оширилганида оила бюджетининг ҳаражатларида коммунал хизматлар ҳақининг улуши унчалик кўп ошмайди ва бир оилага ўрта ҳисобда 4 фоизни ташкил этади.

Юқорида кўрсатиб ўтилган ҳамма фактлар бутун халқ хўжалигимизнинг самарадорлигига таъсир қилиши табиий, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннархи ва унинг улгурки нархлари ошиб бораётгани ҳамма жойда кузатилмоқда.

Чунончи, мазкур сабабга кўра, шунингдек ем-хашак ва асбоб-ускуналарнинг нархи ошиб кетганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирлигининг чорва ва сут учун янги харид нархлари жорий этиш тўғрисидаги таклифи қабул этилди. Уларнинг харид нархлари—тириклигидаги мол гўшти учун 1,5 баравар, қўй гўшти учун 1,3 баравар, чўчқа гўшти учун 1,7 баравар оширилди ва сўйилган вазндаги 1 килограмм гўштнинг ўртача нархи 120 сўмни ташкил этади, Сутнинг харид нархлари икки баравар оширилди ва 1 литри 10 сўмни ташкил этади. Бу эса ўз навбатида чакана нархларни ҳам оширишни талаб қилди.

Ўзбекистонга ташқаридан ташиб келтириладиган озиқ-овқат маҳсулотларига қилинадиган ҳаражатлар кўпайиб бораётганлиги чакана нархларнинг ошишига объектив равишда таъсир қилувчи бошқа бир муҳим омилдир. Республика ҳукумати бу ҳақда аҳолини мунтазам равишда хабардор қилиб келмоқда. Масалан, Қозоғистондан 1 килограмм буғдой сотиб олиш бизга 25 сўмга тушмоқда, шу буғдой унининг 1 килограмми, саноатнинг қайта ишлаш ҳаражатлари ҳисобга олинганда, камида 35 сўм туради. МДҲ республикаларидан гўшт 90—100 сўм, сариёғ 180—200 сўм нархда келтирилмоқда.

Бундан ташқари чет эллардан жаҳон нархларида ва валюта эвазига озиқ-овқат харид қилинмоқда. Бироқ, долларнинг сўмга нисбатан қадри доимо ошиб бориши сабаби бу маҳсулотларни харид қилиш республикага МДҲ мамлакатларидан харид қилишдан ҳам қимматга тушмоқда. Масалан, жаҳон бозорида 1 тонна буғдой 130 доллар, 1 тонна чой 2200 доллар, 1 тонна тўшт 1150 доллар туради. Газетхон бу нархларни сўмга айлантириб ҳисоблаши қийин эмас. Газетанинг шу сони босилиб чиққан пайтда долларнинг қадри тагин ҳам юқорироқ бўлишини билганимиз учун биз бундай қилмадик.

Мана шу сабабларга кўра, қарорга биноан 19 октябрдан бошлаб республикада қуйидаги озиқ-овқат маҳсулотларининг янги чекланган чакана нархлари (ўрта ҳисобда) жорий этилди: 1 килограмм буханка (оқ, қорароқ, жавдар) нон — 10 сўм, ун — 12 сўм, макарон — 22 сўм, гуруч — 25 сўм, ўсимлик ёғи — 20 сўм, чой — 120 сўм, қамма турдаги 1-тоифа 1-нав гўшт (парранда гўштидан ташқари) — 80 сўм, қаймоғи олинмаган 1 литр сут — 10 сўм, кир совун — донаси 10 сўм. Тухум учун шартномавий (эркин) нархлар белгиланади.

Шунга қарамай, республика ҳукумати аҳолини ва энг кам даромадли табақаларни ижтимоий ҳимоялаш мақсадида озиқ-овқатнинг чакана нархлари кескин кўтарилишини чеклаб, маҳсулот бирлиги нархларининг кўп қисмига бюджетдан дотация бермоқда. Чунончи, янги чакана нархларга биноан аҳолига талонлар бўйича сотилаётган ҳар килограмм гўшт учун бюджетдан 60 сўм, ҳар килограмм ун учун 18 сўм, (ўрта ҳисобда) гуруч учун 4 сўм, ўсимлик ёғи учун 7 сўм, чой учун 140 сўм, бир дона кир совун учун 7 сўм ажратмоқда ва ҳоказо.

Ҳатто айрим озиқ-овқат маҳсулотларининг мана шу янги чакана нархлари шароитида ҳам бу нархлар Ўзбекистонда МДҲнинг бошқа минтақаларига нисбатан анча паст, қуйидаги жадвал маълумотларидан буни кўрса бўлади.

МДҲ ДАВЛАТЛАРИНИНГ ПОЙТАХТЛАРИДА АЙРИМ ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ ЧАКАНА НАРХЛАРИ ДАРАЖАСИ

(килоси, сўм ҳисобида)

	Тошкент	Москва	Бишкек	Киев	Олма-ота
1 тоифа мол гўшти	80—00	92—00	100—00	132—00	121—00
ўсимлик ёғи	20—00	58—00	100—00	120—00	86—00
сут (бир литр)	10—00	14—00	12—00	12—00	11—00
қанд-шакар	45—00	73—00	80—00	100—00	90—00
олий нав буғдой уни	15—00	15—00	30—00	—	41—00
олий нав буғдой унидан ёпилган нон	11—00	25—00	34—00	—	15—00
жавдар унидан ёпилган нон	4—00	12—00	10—00	14—00	8—00
олий нав буғдой унидан макарон	24—00	45—00	55—00	110—00	60—00

Ҳукуматнинг чакана нархлар кўтарилиши таъсирини юмшатишга қаратилган ташкилий ва молиявий тадбирлари билан бир қаторда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонига биноан 1992 йил 1 октябрдан бошлаб аҳолини ижтимоий ҳимоялаш соҳасида олдини олиш чоралари кўрилди. Маълумки, Республика Президентининг фармони билан иш ҳақи ва меҳнат нафақасининг энг оз миқдори ойига 2000 сўм қилиб белгиланди. Улуғ Ватан уруши қатнашчилари ва ногиронларига нафақаларнинг энг оз миқдори 2500 сўм асосида тўланади, бунда улуғ Ватан урушининг III гуруҳ ногиронларига тўланадиган нафақалар энг оз иш ҳақи даражасига етказилди. Бюджет ҳисобидаги барча муассаса ва ташкилотлар ходимларининг иш ҳақи 1,6 баравар оширилди. Фуқаролар даромадларининг солиқ солинмайдиган оз даражаси ойига 2000 сўм миқдорида белгиланди.

Олий ўқув юртлари талабаларининг, техникумлар ва ҳунар-техника билим юртлари кийим-кечак ва озиқ-овқат билан таъминланмаган ўқувчиларининг стипендиялари 1,6 баравар оширилди. Талабаларнинг оиҳона ва буфетлари тушликлар қиймати ҳисобидан 50 фоизлик чегирма сақлаб қолинади. Республика маҳалла комитетлари раислари ва котибларининг ойлик маошлари 2 баравар оширилди.

Болали оилаларга мадад бериш мақсадида болалар учун ҳозир амалда бўлган ижтимоий нафақалар 1,5 баравар кўпайтирилди. Жами даромади оилининг ҳар бир аъзосига энг оз ойлик иш ҳақидан ошмайдиган болали оилаларга нафақа тўланиши белгилаб қўйилган.

Биринчи марта никоҳ туғадиган келин-қуёвларга гилам буюмлар ва мебель сотишнинг имтиёзли тартиби сақлаб қолинди, оилага тўланадиган товон миқдори 1500 сўмдан 5000 сўмгача кўпайтирилди.

Мана шу чора-тадбирлар учун ҳар ойда республика бюджетидан салкам 5 миллиард қўшимча ҳаражат қилинади.

Қарорларда тегишли вазирликлар ва идораларга эркин (шартномавий) нархлар белгилаш интизомини, ёзиб қўйилган чекланган нархлар ва тарифлар даражасига қатъий риоя этилишини назорат қилишни кучайтириш юзасидан топшириқлар берилди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси лойиҳаси умумхалқ муҳокамасида

ФАОЛЛАР ФИКРИ

Ўртачирчиқ райони ҳокимлигининг катта мажлислар залида район мактабларининг директорлари, касалхоналарнинг бош шифокорлари, ташкилот, саноат, қурилиш корхоналарининг раҳбарлари, Ўзбекистон халқ демократик партияси бошланғич ташкилотларининг котиблари, қишлоқ шўроларининг раислари тўпландилар. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси лойиҳаси муҳокамасига бағишланган фаоллар йиғилишини Халқ демократик партияси район ташкилотининг биринчи котиби Исматилла Неъматиллаев очди. У Конституция лойиҳаси ҳақида гапириб бериш учун Ўзбекистон Фанлар академияси фалсафа ва ҳуқуқ институти бўлим мудири, юридик фанлари номзоди Муҳаммади Усмоновга сўз берди. Маърузачи лойиҳа қандай тайёрланганлиги ҳақида гапириб, мустақил республикамизнинг асосий қонуни бўлим ва бобларини муфассал изоҳлаб берди.

Сўнгра лойиҳа муҳокамаси юзасидан бир қатор таклифлар айтилди. Район касаба уюшмалари фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгаш раиси М. Отақулов Конституция лойиҳасидаги 56-модда ҳақида тўхталиб, жамоат бирлашмалари фаолияти уларнинг ўз Низом ва дастурларида ифодаланиб берилишини қайд қилди. Бу моддадаги «Касаба ташкилотларига аъзо бўлиш ихтиёрийдир» деган жумла ортиқчалигини таъкидлади. Бунинг ўрнига касаба уюшмалари фаолиятидаги кафолатлар ва ҳуқуқлар республиканинг алоҳида қонунида белгилаб берилади, дейилса тўғри бўларди.

16-мактаб директори Ҳайриддин Баҳромов халқ таълимига оид қонун-қоидалар Конституцияда янада мукаммал ва аниқ ифодаланиши лозимлигини айтиб ўтди. Жумладан, лойиҳанинг 40-моддасида «ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади», жумласидан сўнг «таълимнинг турли усулларидан ҳам кенг фойдаланилади», деб қўшиб қўйиш ўринлидир. Ана шунда ёшларга таълим беришнинг ҳозир амалиётда қўллана бошлаган турли муқобил формаларига ҳам кенг йўл очилиб, умуман таълим-тарбия иши яхшиланишига хизмат қилган бўларди.

Йиғилишда Конституция лойиҳасидаги 90-модда бирмунча тортишувга сабаб бўлди. Жумладан, «Президент ўз вазифасини бажариб турган даврда сиёсий партияга аъзоликни тўхтатиб туради», деган жумла жиддийроқ ўйлаб кўрилиши керак. Район ҳокимининг муовини Ҳамид Норқулов фикрича, агар лойиҳадаги фикр тасдиқланадиган бўлса, кўп партиялилик шароитида муваффақиятли ишлаётган Америка Қўшма Штатлари, Туркия, Ҳиндистон, Оврўподаги бир қатор мамлакатлар Президентлари риоя қилаётган тартибга қарши борилади-ку. Уларда президентликка сайланган номзод ўз партиясининг вакили сифатида демократияга риоя қилган ҳолда ишлаб келишмоқда. Ҳ. Норқуловнинг мулоҳазасига кўра агар президент сиёсий партияга аъзолигида қолаверса, бошқа партияларнинг роли камситилади, деган фикрга қўшилиб бўлмайди.

«Ўзбекистон» колхози бошланғич партия ташкилотининг котиби Ахрор Ғофуров конституция лойиҳасининг «жамоат бирлашмалари»га оид боби хусусида диққатга сазовор таклифлар айтиб ўтди. Жумладан, 59-моддада «Жамоат бирлашмаларини тарқатиб юбориш... суд қарори асосида амалга оширилади» дейиш нотўғридир. Чунки бирлашмани тарқатиб юбориш масаласини унинг ўзи кўриб чиқиши керак. Кейин судга мурожаат қилиш мумкин.

Муҳокамада қатнашган 34-мактаб директорининг ўринбосари Деҳқонбой Таслимов, Пахтаобод қишлоқ шўроси раиси Тошпўлат Эсонбоев, 52-мактаб директори Туроп Жўраев ўртоқлар аҳолига ҳуқуқий билимлар беришни яхши йўлга қўйиш лозимлигини уқтириб, қишлоқ шўролари жамоат ташкилотлари фаолиятларига оид ҳуқуқий масалалар Конституция лойиҳасида аниқ-пухта кўрсатилиши кераклигини таъкидладилар.

Лойиҳа муҳокамасидан кейин шу ерда Ўзбекистон халқ демократик партияси аъзоларининг катта гуруҳига партия билетлари топширилди.

(Ўз мухбиримиздан).

ТАРАҚҚИЁТ ГАРОВИ

НИҲОЯТ кўпчилик орзиқиб кутган ва қолаверса мустақиллигимизнинг ҳуқуқий асоси — янги Конституция лойиҳаси умумхалқ муҳокамасига қўйилди. Бу давлатимизнинг ҳақиқий демократик, президент ҳокимияти эканлигидан далолат беради. Лойиҳани ҳодимларимиз билан муҳокама қилиб бир нарсага амин бўлдикки, Олий Кенгашнинг Конституциявий комиссияси матн устида жиддий ишлаган. Бу жуда катта ютуқ. Бироқ лойиҳадаги айрим моддалар юзасидан юрист сифатида фикр-мулоҳазаларимни баён қилишни бурчим деб биламан. Аввало прокуратура ҳақидаги бобга тўхталайлик. 117-моддада прокурорларнинг ваколат муддати беш йил қилиб белгиланган. Бизнингча, бу прокурорнинг вазиятни пухта ўрганиши, қонун-ижросини охирига қадар назорат қилиши учун қисқа муддат. Чунки айрим, хусусан фуқаролик ишлари судларда йиллаб юради ва кўпинча прокурорнинг норозилиги туфайлигина ҳақиқат қарор топади. Буни амалиёт тасдиқлаган ва шу боис прокурорнинг ваколат муддатини саккиз ёки судларники каби ўн йил қилиб белгилаш лозим. Шунингдек, 119-моддада «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жиноятчиликка қарши кураш бўйича тезкор қидирув ва бошқа махсус вазифаларни мустақил равишда бажарувчи хусусий кооператив ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва уларнинг бўлинмаларини тузиш ҳамда уларнинг фаолият кўрсатиши таъқиқланади» дейилган. Бу ҳозирча тўғри. Бироқ ижтимоий-сиёсий вазият изга тушгач, вазият ўзгаради ва балки худди шундай хусусий тизимлар хизматига эҳтиёж сезармиз. Гоҳида хусусий қидирув давлатникидан яхшироқ ишлайди, Ғарбда шундай. Ўшанда конституцияга ўзгартириш киритиладими? Агар шундай бўлса бугунги муҳокама мантиқсиз бўлиб қолади. Бизнинг бу таъқиқлашни фақат Олий мажлис ўзгартириши мумкин деб ўйлашимча киритиш зарур.

Лойиҳада инсоннинг ҳуқуқи, эркинлиги ва бурчларига алоҳида эътибор берилган. Лекин 18-моддада «ирқи, дини, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар, қонун олдида тенгдирлар» дейилган. Миллати, деган сўз тушиб қолган. 19-модданинг биринчи гапи кишига ғализ туюлса, 21-моддадаги «фуқароликни йўқотиш» деган жумла қулоққа ғалати эшитилади. Чунки фуқаролик танга эмаски, йўқотилса, шахс фуқароликдан маҳрум этилиши мумкин холос.

21-моддадаги биринчи гапда «фуқаролик ўрнатилади» дейилган. Шуни «фуқаролик жорий этилади» деб ўзгартириш лозим. 22-модда матни эса ўзбекча гап тузишнинг оддий қоидаларига мос келмайди. Услубий қайтариқларни-ку, қўяверинг. Масалан шу моддада, «...ўз ҳудудида ҳам, унинг ташқарисида ҳам ўз фуқароларини...» деган жумла бор. Шуни оддийгина қилиб, «ўз ҳудудида ҳам, ҳорижда ҳам республика фуқароларини» дейилса кифоя эди.

24-моддада «Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқи» дейилган. Шу матндаги «узвий» сўзининг ўрнига «доимий, мутлақ» деган сўзларни қўллаш жоиз деб ҳисоблайман.

35-моддада «Банкка қўйилган пуллар сир тутилиши ва мерос қолдириш ҳуқуқи қонун билан кафолатланади» дейилган. Бу гапдаги «пуллар» сўзини «пуллар»нинг» деб ўзгартириш орқали уни том маънода ўзбекчага айлантирамиз. Афсуски, бундай услубий камчиликлар лойиҳа матнида жуда кўп учрайди. Бироқ асосий эътиборни яна бир нарсага қаратмоқчиман. Жамиятнинг иқтисодий негизлари кенг қамровли, чуқур тушунча бўлса-да, лойиҳада унга бор-йўғи учта модда ажратилган. Бунинг устига учинчи бўлим «жамият ва шахс» деб аталибди. Шуни «Шахс ва жамият» тарзида ёзиб шахснинг ўрни устун даражада эканлигини яна бир карра таъкидлашимиз лозим. Бундан ташқари Лойиҳадаги айрим моддалар ўртасида қарамақаршилик бор. Буни синчков киши дарров сезади. Масалан: бир томонда суд ҳокимиятининг мустақиллиги таъкидланган-у лойиҳанинг 92-моддасининг 11-бандида вилоят, туман, шаҳар ҳамда хўжалик судларининг судьяларини Президент тайинлаши ва озод этиши ёзилган...

Лойиҳадаги ҳар бир нуқта-вергул ўз ўрнида бўлиши, она тилимиз имкониятларидан тўла фойдаланишимиз керак. Чунки сўзни ўз ўрнида ишлатмаслик, вақти келиб катта ҳуқуқий муаммо, низоларни келтириб чиқариши мумкин. Бу мулоҳазаларимни лойиҳани тайёрлашда заҳмат чеккан ҳамкасб-ҳуқуқшунослар холисона қабул қилиб, инобатга олишади деган фикрдаман.

Мирзойўлдош ҲАМДАМОВ,
Акмал Икромов тумани прокурори, адлия кичик маслаҳатчиси.

ФАҚАТ ҚОНУНГА БЎЙСУНСИН

Конституция лойиҳаси 7-моддасининг 1-бандида: «Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир» дейилган. 11-моддада: «Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг тизими ҳокимиятни қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига тақсимланиши принципига асосланади» деб кўрсатилган. Лойиҳага биноан қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга ошириш Ўзбекистон Республикасининг бир палатали Олий мажлисига, Ижро ҳокимиятини амалга ошириш Президент бошчилигидаги Вазирлар Маҳкамасига, Суд ҳокимиятини амалга ошириш Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди, Олий суди ва Олий хўжалик судига юклатилган. Олий мажлис депутатларининг, Президентнинг 5 йил муддатга халқ томонидан сайланиши, суд ҳокимиятини амалга оширувчиларнинг 10 йил муддатга Олий мажлис томонидан сайланиши кўрсатилган. Менинг назаримда, лойиҳа бўйича биринчидан ҳокимиятларнинг тенглиги, улар ўртасидаги ўзаро мувозанати каби ҳокимиятни тақсимлашнинг асосий принципларига тўлиқ риоя қилинмаган. Иккинчидан, суд ҳокимиятини амалга ошириш яна учта орган ўртасида тақсимланган. Учинчидан, қонун чиқарувчи ва ижро ҳокимиятларининг ваколат муддати 5 йил бўлгани ҳолда суд ҳокимиятиники 10 йил.

Менинг таклифларим бу ҳақда қуйидагича: 1. **Ҳар уччала ҳокимият бевосита 5 йил муддатга сайланиши ва уларнинг олдида ҳар йили ҳисоб бериши шартлиги тартибни ўрнатилиши керак.**

2. Суд ҳокимиятини амалга оширишни лойиҳадагидек уч органга эмас, ягона органга — Ўзбекистон Республикасининг Олий судига юклаб, унинг таркибида конституциявий жиноий, фуқаролик ва хўжалик ишлари бўйича коллегиялар ташкил қилиш керак.

3. Вилоят, туман, шаҳар ва хўжалик судларининг судлари, лойиҳадагидек Президент томонидан тайинланмасдан бевосита халқ томонидан сайланиши ва унинг ҳар йили албатта ҳисобот бериши тартиби жорий қилиниши керак.

4. Ҳар уччала ҳокимият ўз фаолиятини амалга оширишда мустақил бўлиши ва фақат қонунга бўйсуниши лозимлиги конституцияда ўз ифодасини топиши керак.

Жўрабой ТОШҚУЛОВ,
Ўзбекистон Фанлар академияси фалсафа ва ҳуқуқ институти давлат ва сиёсий-ҳуқуқий таълимотлар тарихи бўлими бошлиғи, ҳуқуқшунослик фанлари номзоди.

● ҚУЙИЧИРЧИҚ туманидаги трикотаж-атторлик фабрикасида тажрибали тикувчи Лола Саидмуҳамедова номини ҳурмат билан тилга оладилар. 16 йилдан бери сурункасига шу даргоҳда ишлаб келаётган бу чевар меҳнатсеварлиги, вазифасини виждонан бажариши билан обрў-эътибор орттирган. Смена топшириқларини бир ярим баравар атрофида бажаради.

Суратқаш Ў. МАРДИҚУЛОВ.

ҚОНУНСИЗ ОВ ҚИММАТГА ТУШДИ

БАЛИҚ етти хазинанинг бири эканлигини ҳаммамиз яхши биламиз. У катта бойликдир. Минг афсуски, шу қимматли эҳсон табиий шароитларда йил сайин камайиб бормоқда. Бир вақтлар меҳнаткашлар дастурхонини кўпинча безаб турган бу сердармондори жониворни эндиликда дастурхонда камдан-кам кўрадиган бўлиб қолдик. Истаган вақтда дўконлар пештахтасидан топиладиган бу озиқ-овқат маҳсулотини деярли учратмайсиз, бўлганда ҳам нархи жуда юқори.

Айниқса, балиқ ва ундан тайёрланган маҳсулотларни четдан келтириш ниҳоятда мушкул бўлиб қолган ҳозирги шароитда ўзимиздагисини асраб-авайлашимиз керак. Сув ҳавзаларимизнинг балиқ бойлиги тобора қашшоқлашиб бораяпти. Бунинг сабаблари жуда кўп. Энг асосийларидан бири браконьерлик, яъни балиқларни рухсатсиз ўғринча ов қилишдир. Бу ҳам балиқчилигимизга катта зарар келтирмоқда. Бундай номаъқулчиликни ўзига «касб» қилиб олган кимсалар ов вақти-соатини ҳисобга олмасдан йилнинг тўрт фаслида ҳам ҳеч тафт тортмай, безбетларча бу бойликка зарар келтирмоқдалар. Айниқса, балиқлар увилдириқ ташлаш вақтида ҳаракати сустроқ бўлиб қолган пайтда кўплаб тутишяпти. Балиқчиликка кони зарар бўлган бошқа иллатлар ҳам бор. Ишлаб чиқаришда фойдаланилган оқаваларнинг етарли даражада тозаланмасдан сув ҳавзаларига оқизиб юборилиши оқибатида улар жонзотларга, шу жумладан балиққа ҳам ҳалокатли таъсир қилаяпти.

Республикамиздаги табиий сув ҳавзаларида балиқ бойлигини сақлаб қолиш ва уни ривожлантиришга эътибор тобора кучаймоқда. Ҳавзаларда балиқ овини муайян даврда тўхтатиб қўйишга қарор қилинди. Бу ўз вақтида белгиланган тартиб бўлди. Агар бу муҳим озиқ-овқат маҳсулотига нисбатан эскича ёндошиш давом этаверса балиқчилигимиз патрат топиши турган гап эди.

Бу соҳа тушкунликка тушиб қолгани, уни тиклаш ва ривожлантириш учун барча имкониятларни ишга солишга катта аҳамият берилаётган шундай бир даврда браконьерчиликнинг ҳамон давом этаётганлиги ташвишли бир ҳолдир. Сўнгги ойларда ўнлаб шундай номаъқулчиликлар аниқланди. Аниқланмаганлари қанча, уни ҳеч ким билмайди. Ҳар ҳолда фош қилинганларидан кўп бўлса кўпки, лекин кам эмас. Улар устаси фаранг бўлиб кетишган, назоратчилар шоҳида юришса улар баргида юришади, моторли қайиқлар, тўрлар, бошқа шу каби балиқ ови қуролларидан кенг фойдаланишади.

Назоратчилар ҳамма вақт қўл қовуштириб ўтиришади, демоқчи эмасмиз., Асло бундай дея олмаймиз, шундай дейишга ҳаққимиз ҳам йўқ. Улар ҳам тиним билишмайди, браконьерларга қарши курашишяпти. Лекин ишнинг тўла уддасидан чиқишяпти, деб ҳам бўлмайди. Уларнинг ҳам имкониятлари чекланган, моддий-техникавий асослари ниҳоятда ночор.

Шунга қарамай халқ бойлигини талон-торож қилувчиларни фош қилишга муваффақ бўлишмоқда. Уларнинг шундай фаолиятига оид кўпгина мисолларни келтириш мумкин.

Бекобод райони табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси назоратчилари кейинги қисқа вақт ичида бир қанча браконьерларни шармандаю шармисор қилдилар. Улар С. Колодников деган шахсни таъқиқланган усул — тўр билан Сирдарёда балиқ тутаётганида қўлга туширдилар. Унинг важ-корсонларининг бирортаси ҳам инобатга олинмади. Браконьерлик қилаётгани шундоқ ҳам кўриниб турган бўлганидан кейин қайси баҳонаси асосли бўла оларди. Айбини бўйнига олишдан бошқа иложи қолмади. Назоратчилар уни икки юз сўмлик жарима билан жазоладилар. Лекин шунинг билангина чекланиб қолишгани йўқ. Табиатга келтирган зарари ҳисобга олиниб, яна тўққиз юз сўм миқдоридаги даъвони ҳам расмийлаштирдилар ва уни район маъмурий комиссияси ҳукмига ҳавола қилдилар. Ҳа, браконьерлик унга қимматга тушди, бир минг юз сўмлик пулдан маҳрум бўлди. Ўзбошимчалик, қонун-қоидаларни хас-пўшлаш, белгиланган тартибга амал қилмаслик оқибати, албатта, шундай бўлади.

Кўза кунда эмас, кунида синади дейишганидек, В. Салтиков, Д. Анискин каби браконьерларнинг қилмиши ҳам фош этилди. Бафуржа балиқ овлаб ўтириб, текширувчилар ёнларига келиб қолишганини ҳам фаҳмлашмади. Шунинг учун эътироз қилишларига ҳеч қандай ўрин қолмади. Қилмишларини бўйнига олишди. Қуруқ таъна-тазарру билан қутулишмади, албатта. Назоратчилар бўш келишмади. Уларнинг ҳар бирига юз сўмдан жарима солдилар.

Шундай ҳодисалар Бўстонлиқ районидаги сув ҳавзаларида ҳам содир бўлмоқда. Назоратчилар ўтказган текшириш шуни кўрсатди. Балиқ овлаш қоидалари Чирчиқ дарёси тўғони олдида айрим шахслар томонидан қўпол равишда бузилганлиги маълум бўлди. Айримлар қармоқ билан тутиш, тутганда ҳам бир галги миқдор ҳақидаги тартибни бузганлар. Белгиланганидан ошиқча ов қилишган, таъқиқланган ов қуролларидан фойдаланишган. Бу қоидани қўпол равишда бузган А. Зинченко деган шахс уч юз сўмлик жарима билан жазоланди. Бошқа браконьерларнинг қилмишлари ҳам «муносиб» баҳосини олди. А. Охотников, В. Волокитин, Ш. Зиябов, А. Лисицинларнинг ҳар бири шахсий ҳамёнларидан юз сўмдан чиқариб беришга мажбур бўлдилар. Агар улар яна шундай иш билан шуғулланишса нисбатан қаттиқроқ чора кўрилади, деб огоҳлантирилдилар. Биз ҳам бу сабоқ бўлишини жуда-жуда истар эдик. Лекин тўла ишонолмаймиз. Яна ўрганган кўнгил... Қатъий бир нарса дейиш қийин. Мамлакат, халқ бойлигига (балиқ заҳираларини тўла асосда шундай дейиш мумкин) кўз олайтирувчи нопок шахсларга нисбатан жазо чораларини қўллайвериш лозим. Токи у браконьерликка мукасидан кетган ҳаромтомоқларнинг пайи қирқилишига салмоқли ёрдам берсин, балиқ заҳираларининг кўпайишига кўмаклашсин. Шундагина назоратчилар ишларининг амалий таъсирчанлиги ортади.

М. МАҲМУДОВ.

«ТИКЛАНИШ» ТИКЛАМОҚДА

● ШАҲАРДА ширкат ва кичик корхоналар тобора кўпаймоқда. Ҳозирги кундаёқ ўнлаб шундай корхоналар ишлаб турипти. Улар шаҳар меҳнаткашлар эҳтиёжлари учун хизмат қилмоқда, турли хил кенг истеъмол моллари ишлаб чиқармоқда. Шаҳар коммунал хизматлари бош бошқармаси ҳузурида ташкил этилган «Тикланиш» ҳам шундай кичик корхоналарнинг биридир.

Шу йилнинг июль ойида бошқарма жамоаси ташаббуси билан эски санитариятехника жиҳозларини таъмирлаш устахонаси ва унинг майдони бўшатилиб, бу ерда уй-жой хўжалиги эҳтиёжлари учун шартномалар асосида иш юритиш бўйича тузилган кичик корхона ўз фаолиятини бошлади. Шу кунларда жамоада ўттизга яқин киши меҳнат қилмоқда. Жамоага пайвандлаш ва таъмирлаш, сув қувурларини монтаж қилиш усталари бирлашган.

Жамоа аъзолари ҳозирги долзарб кунларда уйларни қишки мавсумга тайёрлаш борасида кенг ҳажмдаги ишларни олиб боришяпти. Жумладан 11-даҳада жойлашган кўп қаватли бино ертўлаларидаги иситиш қувурлари ва хоналардаги батареялар махсус компрессор машинаси ёрдамида ювилиб, иситиш мавсумига шай қилиб қўйилди. Бундан ташқари Хос-ёз каналидан то 3-даҳада жойлашган АТС биносига қадар телефон кабеллари ётқизиш учун ҳандақлар кавланиб, бу ерда 280 минг сўмлик иш ниҳоясига етказилди.

Айни кезларда жамоанинг қўли гул ишчиларидан бир гуруҳи яна бир уй биносини иситиш учун металл қувурларни монтаж қилишни давом эттирмоқдалар. Шу нарса диққатга сазоворки, 11-даҳадаги 8 та уй ва «Ёшлик» спорт комплекси биносини иситиш учун металл қувурлар ер тагидан эмас, балки ер устида ўрнатилган темир устунлар орқали олиб борилмоқда, бу эса иқтисодий томондан бирмунча тежамлироқдир.

Кичик корхона жамоаси қисқа вақт ичида каттагина ҳажмдаги ишларни бажариб, шаҳар аҳлининг таҳсинларига сазовор бўлаётганлигининг яна бир сабаби бор. Ишчилар шаҳар марказида хиёбон барпо этиш ишларига ҳам салмоқли ҳисса қўшмоқдалар. Хиёбон атрофига бежирим панжарали тўсиқлар ўрнатишди ҳамда С. Раҳимов, Ғ. Ғулом кўчаларидаги дарахтларни томчилаб суғориш мажмуларини монтаж қилдилар.

Бозор иқтисодиёти бирмунча қийинчиликлар ҳамда тақчилликларни ҳам вужудга келтирди. Қурилиш материаллари, айниқса, газ билан пайвандлашда ишлатиладиган карбид, катта ҳажмли металл қувурларнинг етишмаслиги жамоа олдида турган муҳим вазифаларни бажаришга сезиларли тўсқинлик қилмоқда. Шу туфайли ҳам уй ертўлаларидаги қувурларни алмаштиришда режада кўрсатилган маррани эгаллаш имкони бўлмаяпти. Бироқ юзага келаётган қийинчиликларга қарамасдан кичик корхона жамоаси келгусида ҳам қатор ишларни амалга оширишни режалаштиряпти.

Район қозонхонаси ёнида ташкил қилинган иссиқхонани тўла-тўкис монтаж қилиш, аҳолидан келаётган буюртмалар асосида анжомлар тайёрлашни йўлга қўйиш кўзда тутилмоқда. Ҳозирча фақат кишилар буюртмасига биноан дераза-лар учун панжарали тўсиқлар тайёрланаётган бўлса, келгусида уй-рўзғор хўжалигида ишлатиладиган турли хил буюмлар ясаш бўйича ҳам буюртмалар қабул қилинади. Бундан ташқари, «Ленинград» давлат хўжалигида беш йил олдин қурилган иссиқхонани пойтахтга кўчириб келтирилганлиги сабабли шу комплексни монтаж қилиш ишларини қисқа вақт ичида тугаллашга тараддуд бошланиб кетди.

Металлургларнинг шаҳри қиёфасини ўзгартиришга, аҳоли эҳтиёжини қондиришга муносиб улуш қўшаётган кичик корхона жамоаси таъмирловчилар етакчиси В. Дю, слесарь А. Вдовкин, пайвандловчи В. Контуров сингари фидойилар билан ҳақли равишда фахрланадилар.

*

● ШАҲРИМИЗДА аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш билан бир қанча хўжаликлар жамоалари шуғулланмоқдалар. Халқ хўжалиги юкларини ташиш, йўловчиларга намунали хизмат уюштириш соҳасида «Сарбон» акционерлик жамияти, 9-автокорхона, автобус-такси саройи, «Бекобод» автовокзали самарали ишлашяпти. Бундан ташқари, фуқаролар шахсий мулклари ва уй-рўзғор анжомларини ҳамда улар етиштирган мева-сабзавот, полиз экинларини манзилга етказиб бериш учун ихтисослашган икки хўжалик ҳам шаҳримизда керакли буюртмаларни ўз вақтида адо этиб, кишиларнинг оғирини енгил қилмоқда.

Бундай хўжаликлардан бири юк ташиш автостанцияси бўлса, иккинчиси аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш автохўжалигидир. 1976 йилда ташкил қилинган трансагентлик бўлимида 15 та автотранспорт воситаси аҳолига хизмат кўрсатмоқда. Хўжалик уй-рўзғор буюмлари, шахсий мулклар қатори махсус машиналарда кўмир, ёғоч-тахта ва бошқа қурилиш материалларини ташиб бермоқда.

Хўжалик шикоятларни қайд қилиш дафтарида бирорта ҳам кўнгилсиз ёзувни учратмайсиз. Жамоа ўтган саккиз ойда аҳолига 800 минг сўмликка яқин турли хил хизмат кўрсатди, бунда тажрибали ҳайдовчилардан С. Саҳинов, Т. Ўсаров, М. Мамадалиевларнинг хизматлари катта бўлди.

А. АШИРОВ,
Бекобод шаҳри.

БЕКОБОД САНОАТ КОРХОНАЛАРИДА

ХАРИДОРГИР МАҲСУЛОТ

ҚИБРАЙ нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхонасида ўтган йили аҳолини мазали нон маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида янги цех ишга туширилган эди. Лекин цехдаги ишлаб чиқариш технологиясининг мукаммал эмаслиги бир йил ичидаёқ таъмирга муҳтож бўлиб қолди. Яқинда ана шу цех қайта таъмирланиб яна маҳсулот бера бошлади. Ойига 5 тоннадан кўпроқ юмшоқ ва мазали «нон қаламчалари» харидорларга етказиб берилмоқда. Бундан корхона ҳам иқтисодий фойда кўра бошлади.

У. МАНСУРОВА.

ФОРИЖДАН ХАБАРЛАР

● БМТ Бош котиби Бутрос Галий мазкур халқаро уюшманинг Бош ассамблеяси сессияси мажлисида сўзга чиқиб, «Ер юзида одамларнинг яшаш қариш жараёни содир бўлмоқда» деб айтди. Қариш муаммоларини ўрганиш халқаро ҳаракат режасининг ўн йиллигига бағишланган ушбу мажлисда Бош ассамблея биринчи марта мана шу муаммони муҳокама қилди. Ер юзи аҳолиси 1950—2025 йиллар орасида уч баравар кўпаядиган бўлса, ёши олтмишдан ошганлар сони роппа-роса олти марта ортар экан. Ёши саксондан ошганлар эса ўн баравар кўпаяди. Аҳолининг қариш жараёни асосан ривожланган мамлакатларга тўғри келади. Лекин, ривожланаётган мамлакатлар ҳам буларга етиб олиши ҳеч гап эмаса ўхшайди.

● ЯПОНИЯ ташқи ишлар вазирлиги Туркистондаги давлатларни иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотя қарорини кутмасдан туриб, тараққиёт учун қарз олувчи мамлакатлар қаторига қўшмоқ ниятидадир. «Нихон кэйдзай» газетасининг хабарига қараганда, ташқи ишлар вазирлигининг расмий вакили ташқи сиёсат маҳкамаси 1993 йил 1 апрелидан эътиборан ушбу давлатларнинг технологик ва илмий ёрдам учун катта миқдорда қарз олишларига имконият яратиб беради, деди.

● АРГЕНТИНА пойтахти Буэнос-Айресда қон топширувчилар узлуксиз қон топширадиган ва узоқ муддат қон сақланадиган қон омбори иш бошлади.

● ФРАНЦИЯНИНГ Страссбург шаҳрида иш бошлаган Оврўпо парламентининг фавқулодда сессияси. да Маастрихт шартномаси билан боғлиқ бўлган масалалар ўрин олди. Маълумки, Францияда ушбу шартнома тарафдорлари ғалаба қозониб, Германия парламенти шартноманинг асосий қисмини маъқуллаган эди.

● АҚШнинг Виржиния штатидаги Чарлотсвилл шаҳрида Америка Қўшма Штатларининг асосчиларидан бири, мамлакатнинг иккинчи президенти Томас Жеферсон туғилган кунга 250 йил тўлганлиги муносабати билан оммавий тантаналар бўлиб ўтди. Жумладан, Томас Жеферсон инсоният тарихидаги энг демократик ва мукаммал конституциянинг ижодкорларидан бири ҳисобланади.

● ПОКИСТОН ҳукумати Катар ҳукуматидан Исломободдаги ўз элчихонасининг юксак мартабали ходимини дипломатия даҳлсизлигидан маҳрум этишни илтимос қилди. Гап шундаки, катарлик дипломат тўрт одам ҳалок бўлган автомобиль ҳалокатини содир этган эди. Полиция маҳкамасининг хабар қилишича, гирт маст бўлиб олган Ал-Лизох ал-Минойнининг «Мерседес»и йўлда бошқа енгил машинага бориб урилиши натижасида юқоридаги фожеа рўй берди.

● ЖАНУБИЙ Корея миллий хавфсизлик хизматининг режалаштириш маҳкамаси шу йил декабрь ойида бўлиб ўтадиган президентлик сайловлари чоғида Корея Халқ Демократик Жумҳуриятн томонидан бир қанча бузғунчиликлар амалга оширилиши мумкин, деб огоҳлантирди. РЕНХАП ахборот агентлиги мухбирининг Сеулдан хабар беришига қараганда, жанубий кореялик контрразведкачилар мамлакат тайёрагоҳида ва денгиз портларида хавфсизлик чораларини кучайтиришни ҳукуматга тавсия қилдилар.

● ҲИНДИСТОН билан Бангладеш чегарасида қалтис вазият вужудга келди. «Индиан экспресс» рўзномасининг ёзишича, ҳар икки томон бир-бирига тўхтовсиз равишда таъна-дашном гапларни ёғдирмоқдалар. Ҳиндистон маъмурлари мамлакат ҳудудида турган бангладешлик муҳожирларни зўрлаб ҳайдаб чиқаришлари Дакка маъмуриятини даргазаб қилди. Маҳаллий матбуот шарҳловчиларининг таъкидлашларига қараганда, ҳозир Ҳиндистон ҳудудида 1 миллионга яқин бангладешлик яшаб турибди. Дакка маъмурлари эса уларнинг Бангладеш фуқароси эканлигини тан олмаяпти.

● ОВРУПО ҳамжамияти нотариусларининг эндиликда ягона рамзи (герби) бўлади. Франция пойтахтида бўлиб ўтган учрашувда иштирок этган 12 мамлакатнинг нотариатлари ана шундай қарорга келдилар.

● МИСР тарихидаги энг кучли ва даҳшатли зилзила қурбонлари, расмий маълумотларга қараганда, 400 кишидан ошиб кетди. Жароҳатланганлар ва азият чекканлар сони бундан ўн баравар кўп, деб тахмин қилинмоқда. Ҳорижий мамлакатлардан келган қутқарувчилар ёрдамидаги ишлар давом этмоқда. Содир бўлган зилзила натижасида мамлакатга 400 миллиондан 500 миллион фунтгача зарар етказилган, деб ҳисоблаяпти. Бу рақамни «Ал-Аҳром» рўзномаси мухбири билан қилган суҳбатида Миср Араб Республикаси ахборот вазири Сафват аш-Шариф келтирди.

● АМЕРИКАЛИК иккита таниқли биохимик олим — 72 ёшли Эдмонд Фишер ва 74 яшар Эдвинс Кребслар тиббиёт фанининг физиология соҳаси бўйича халқаро Нобель мукофотига сазовор бўлишди. Уларнинг ракни даволаш ва инсон аъзоларини кўчириб ўрнатиш муаммоларига оид кўп йиллик тадқиқотлари жаҳон бўйича тан олиниб, ана шундай мукофотга тақдим этилган эди.

МУШТАРИЙЛАР БИЛАН УЧРАШУВЛАР

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси мустақиллигининг бир йиллиги арафасида шу санага атаб «Тошкент ҳақиқати» газетаси таҳририяти вилоятимиздаги шаҳарлар ва районларнинг йўқламасини ўтказишга қарор қилганлигидан муштарийларимизнинг, албатта, хабари бор. Навбатдаги учрашув Тошкент воҳасидаги энг йирик саноат шаҳарларидан бири бўлган Чирчиқда бўлди. Шу муносабат билан Чирчиқ шаҳар ҳокимлигида катта давра суҳбати уюштирилди. Унда шаҳар ҳокими Доннёр Тошхўжаевич Азизхўжаев, унинг ўринбосарлари — Александр Иванович Морозов, Ирисбой Хожиев, Борис Сергеевич Ким, Феруза Юсуповна Ҳалилова, савдо шўъбаси мудири Любовь Семеновна Колесникова, «Чирчиқ» рўзномаси муҳаррири Шокир Тўғонов ҳамда «Тошкент ҳақиқати» газетаси муҳаррири ўринбосари Раҳимберди Умаровлар иштирок этдилар.

Айтганимиздек, Чирчиқ — жуда улкан шаҳар. Унда ўнлаб миллат вакилларидан иборат минглаб аҳоли истиқомат қилади. Мустақиллигимизнинг тўғриси йилида дуч келинаётган қатор қийинчиликларга қарамай, бу ерда ҳамма ўз иши билан машғул, тинчлик-осойишталикда яшамоқда ва меҳнат қилмоқда. Давра суҳбатида шаҳарнинг кечаги куни, бугуни ва келажаги ҳақида эътиборга лойиқ фикрлар айтилди. Қуйида биз ана шу давра суҳбати ҳисоботини мухтасар ҳолда эътиборингизга ҳавола этамиз.

„ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ“ ЧИРЧИҚ ШАҲРИДА



— Доннёр Тошхўжаевич, шу кунларда нафақат Чирчиқда, балки, жумҳуриятимизда истиқлолимизнинг илк меваларидан, бир йиллик самаралардан мамнун бўлмаётган бирон-бир кишини топиш қийин бўлса керак. Моддий ва маънавий бойликларимиз булоқларининг кўзи янгитдан очилмоқда. Ишбилармонлик, донолик, иқтисоднёт илми бобидаги салоҳият, тижорат маданияти, мутавозелик, саховат, саминият, ҳалоллик, ижтимоий турмушдаги нозик ҳолатларни дарҳол сезиб олишлик сингари фазилатлар қайта туғилмоқда. Шубҳасиз, шаҳрингизнинг ўз «ички дунёси» бор. Уни сиздан бошқа одам яхши билмайди, деб ўйлайман,

Д. АЗИЗХЎЖАЕВ:— Тўғри. Лекин, мен сизнинг сўнгги гапингизга унчалик қўшилмайман. Нега? Ҳокимлигимизда ишлаётган ҳар бир ходим шаҳар «ички дунё»сини яхши билади. Чунки, уларнинг ҳар бирининг жавоб берадиган масъулиятли ўз соҳалари бор. Зотан, ҳокимнинг бир ўзи, агар у фил бўлганда ҳам, ҳамма нарсани зиммасига олишга ва уларни адо этишга қодир бўла олмайди. Ҳокимликдаги барча «филлар» баробар тортгандагина, «ҳокимлик» деган кема муваффақиятли суза олади.

Дарҳақиқат, етмиш беш миллат вакилларидан иборат 160 мингга яқин аҳоли истиқомат қиладиган вилоятимизнинг Чирчиқ шаҳрида 22 та йирик саноат корхонаси ва 100 дан ортиқ ташкилот ҳамда муассасалар мавжуд бўлиб, уларда 70 мингга яқин ишчи ва хизматчилар меҳнат қилмоқда. Ҳозирги иқтисодий мураккаб шароитда аҳолини ижтимоий жиҳатдан муҳофаза этишда айнан мана шу корхоналарнинг маъмуриятлари томонидан олиб борилаётган саъи-ҳаракатлар таҳсинга сазовор.

Умуман олганда аҳолининг турмуш даражасини белгиловчи омиллардан кўриниб турибдики, шаҳримизда одамларнинг эртанги кунига бўлган ишончлари анча мустаҳкам. Ўз-ўзидан маълумки, шаҳримизда жойлашган йирик саноат корхоналари, хусусан, «Электр кимё саноати» ишлаб чиқариш бирлашмаси, Ўзбекистон ўтга чидамли ва қийин эрийдиган металлар комбинати, «Трансформатор», «Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги», қурилиш ашёлари ишлаб чиқариши каби улкан корхоналаримиздаги иқтисодий кўрсаткичлар барча табақадаги аҳолимизнинг моддий таъминотини белгилайди. Чунки, шаҳар аҳолисини озиқ-овқат, маданий ва маиший эҳтиёжлари, тураржой билан таъмин этишимиздек биринчи галдаги вазифаларимиз айнан мана шу корхоналарнинг молиявий аҳволларига бевосита боғлиқдир. Бироқ, афсуски, шаҳримиздаги корхоналар томонидан истеъмолчиларга етказиб берилаётган маҳсулотлар эвазига ҳақ тўлаш ишлари ўз вақтида олиб борилмаётганлиги учун ноҳиятда иқтисодий бақувват корхоналаримиз ҳам оғир аҳволга тушиб қолмоқдалар.

Очиғини айтганда, собиқ Иттифоқнинг барҳам топиши туфайли бир-бири билан узвий боғлиқ бўлган саноат корхоналаримизни хом ашё билан таъминлаш, тайёр маҳсулотларни харидорларга етказиб бериш масаласи жуда мураккаблашиб кетди. Шунга қарамай, корхоналаримизда, энг муҳим масала ҳисобланган — ишчиларни иш билан таъминлаш борасида қатор тадбирлар ишлаб чиқилди. Хусусан, иккиламчи ҳамда чиқит ашёлардан халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш, кичик корхоналар жорий этилмоқда. Албатта, бу борада корхоналаримизда меҳнат қилаётган ноибларимизнинг улушлари катта бўлмоқда.

Шаҳарда маҳаллий бошқарув тизими бўлган Халқ нойблари кенгашига сайланган аксарият депутатларимиз ўзларининг мустақил фикрига эга бўлган, эл ташвиши билан яшовчи кишилардир. Шу боис шаҳарда бажарилиши лозим бўлган йирик ижтимоий ва иқтисодий тадбирлар депутатларимизнинг чуқур таҳлили ва муҳокамаларидан сўнг амалга оширилмоқда.

— Бу ишлар дуруст. Лекин, шу кунларда эскича қолипдан чиқиш, иқтисодиётнинг янги қирраларини очиш томон одим ташланмоқда.

Д. АЗИЗХЎЖАЕВ:— Ичимдагини топдингиз. Мулкчиликнинг турли шаклларини яратиш борасида ҳокимликда ишлаб чиқилган қатор тадбирлар ўз самарасини бермоқда. Хусусан, шаҳар ҳокимлиги қошида Ишбилармонлик фаолияти ва ташқи иқтисодий алоқалар бўлими ташкил этилган. Мазкур бўлимни вужудга келтиришдан мақсад —ташкил этилаётган кичик корхоналар, ширкат ва ҳамкор корхоналарнинг зарур ҳужжатларини рўйхатдан ўтказиш учун яқиндан ёрдам бериш ҳамда хорижий мамлакатлар билан иқтисодий алоқаларни ўрнатишдан иборат. Мазкур бўлимимиз хўжалик ҳисобида фаолият юргизиши билан бирга унинг ихтиёрига корхоналаримиз томонидан режадан ташқари ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг беш фоизи ўтказилади. Ана шу маҳсулот ҳажми бўлим томонидан хорижий мамлакатлардан аҳолига озиқ-овқат маҳсулотлари харид қилиш ва бартер асосида мол айрибошлаш учун фойдаланилади. Айни пайтда мана шу йўл билан 110 тонна макарон олиш арафасидамиз. 99 минг дона шартли банка бирликдаги консерваланган гўшт эса савдо ташкилотларига келтириб қўйилди. Улар билан савдо қилиш бошланди.

Шу кунга қадар шаҳримиз ҳудудида ишлаб чиқариш билан машғул бўлган 231 та кичик корхона, 145 та ширкат, 10 та ҳамкор корхоналар рўйхатга олинди. Фаолият кўрсатишаётган барча турдаги шу корхоналарда халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилишига катта аҳамият берилмоқда. Шу туфайли одамларнинг иш билан таъминланиши баҳоли қудрат ўз ечимини топмоқда. Хусусан, фаолиятда бўлган 81 та ширкатимизда ўтган ярим йилликда 65 миллион 462 минг сўмлик иш бажарилиб, уларда 2306 киши иш билан банд бўлди. 111 та кичик корхонада эса 71 миллион 675 минг сўмлик иш бажарилди ҳамда улар таркибида 1661 киши меҳнат қилди. Ўйлаймизки, яқин муддат ичида бу корхоналар фаолияти аҳолининг халқ истеъмоли молларига бўлган талабларини қондиришда муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Мен ўз хизмат тажрибам асосида шундай қатъий бир хулосага келдимки, шаҳар қурилишида маҳаллий халқ томонидан илгаридан фойдаланиб келинган бозор, қабристон ва масжидлардек табаррук жойларнинг ободончилигига жиддий эътибор беришимиз керак. Шундагина халқ билан бўладиган мулоқотларимизда сунъийлик чекиниб, ўзаро ишонч янада мустаҳкамланади.

Яна бир муҳим масала ҳақида тўхталмоқчиман. Болалар бизнинг келажагимиз. Шунинг учун ҳам уларнинг фаровон ҳаётларини таъминлаш, оддий нарсаларга зор қилиб қўймаслик бизнинг муқаддас бурчимиздир. Айниқса, ота-она меҳрига интиқ бўлган жажжиларни халқимизнинг муносиб ўғил-қизлари бўлиб етишишлари учун замин ҳозирлашимиз лозим. Бу борада шаҳримиздаги мавжуд болалар уйида тарбияланаётган 64 нафар ўғил-қизнинг ҳар бирига ҳокимлигимиз ҳисобидан омонат дафтарчалари очтирдик. Дафтарчалар эгалари номига минг сўмдан пул ўтказдик.

Мустақиллигимизнинг бир йиллиги арафасида, аниқроғи, 23 август куни шаҳримиз ҳокимлиги барча турдаги корхоналаримиз ва жамоат ташкилотларимизнинг фаол иштирокида «Наврўз» ҳайрия тадбири ўтказди. Шу куни ёрдамга муҳтож оилаларнинг уч нафар фарзандлари учун суннат тўйлари, уч жуфт ёшнинг никоҳ тўйлари ҳамда бир қатор кексаларимизнинг таваллуд кунлари умумшаҳар миқёсида нишонланди. 3 та кўп болали оилаларга эса биттадан сигир туҳфа этилди. Республика «Наврўз» ҳайрия жамғармасига шу куни корхоналаримиз томонидан 2,5 миллион сўмлик маблағ ўтказилди.

Хуллас, тўқинчилик, осойишталикни таъминловчи халқ фаровонлиги йўлидаги олиб борилаётган ишларимиз республикамиз раҳбарияти, шу жумладан, Президентимиз И. А. Каримовнинг изчил сиёсатига ҳамоҳанг ҳолда бўлмоқда. Умуман олганда, шаҳримиз миқёсида кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда. Яхшиси, булар ҳақда ҳар бир йўналиш бўйича иш олиб борувчи муовинларнинг ўзлари гапириб берсалар, мақсадга мувофиқ бўлади.

— Яхши таклиф. Александр Иванович...

А. И. МОРОЗОВ:— Аҳолини уй-жой билан таъминлаш ҳамиша—ҳамрўз энг долзарб масалалардан бири бўлиб келган. Шаҳримиз қурувчилари, хусусан, асосий пудратчи — 160-қурилиш трести жамоаси жумҳуриятимизда энг илғор ташкилотлардан бири ҳисобланади. Шунга қарамай, четдан келтириладиган металл, ёғоч маҳсулотлари ва сантехника жиҳозларига бўлган талабларнинг ўз вақтида қондирилмаётганлиги боис айрим ҳолларда уй-жой, саноат-қурилиш объектларимизда қисман узилишлар содир бўлмоқда. Шунга қарамай, ички имкониятлар ва бошқа манбалар эвазига қурилиш ишларимизда унумдорликни ҳамда бир меёрни сақлаб қолишга уринмоқдамиз.

Марказлаштирилган маблағ тақсимоти билан таъмин этиш тобора қисқариб бораётган бир пайтда биз ҳокимлигимиз қошида Хўжалик ҳисобидаги ҳудудий қурилиш бошқармасини ташкил этдик. У эндиликда ягона буюртмачи сифатида саноат корхоналаримизнинг ҳиссадорлик маблағи эвазига фаолият юргизмоқда. Шу туфайли ўтган саккиз ой мобайнида 18 минг квадрат метр уй-жой қурилди. Сўнгги сентябрь ойида яна бир турар-жой бинои фойдаланишга топшириллди. Йил охиригача яна 10 минг квадрат метр истиқомат сатҳлари одамларимизга берилади.

Қуни кеча нишонланган «Ўқитувчилар куни» арафасида шаҳримизда янги, 1296 ўқувчига мўлжалланган мактаб бинои қурилиб, ўқувчиларимизга совға қилинди. Мактаб қурилиши учун жами 11 миллион сўм сарфланди.

Бундан икки ой муқаддам эса шаҳримизнинг ёш, лекин аҳолиси тобора ошиб бораётган 10-турар-жой ноҳиясида кунига 5 тоннагача нон ёпиб берувчи «Иссиқ нон» цехи ишга туширилди. Оққовоқ, Усмон Юсупов номли кўчалардаги кўприклар кенгайтирилди. Байналмилал жангчилар хотираси ҳамда Улуғ Ватан урушида ҳалок бўлганлар учун ўрнатилган ёдгорликларда жиддий таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

Яқин кунларда яна 720 ўқувчига мўлжалланган ҳунар-техника билим юрти ишга туширилади. Марказдан ташқари ҳудудларимизда бозор, маданий-маиший шахобчалар қурилиши кенгайтириляпти.

Шаҳар аҳолисининг транспорт хизматига бўлган талабларини қондириш мақсадида ҳам қатор ишлар амалга оширилди. Хусусан, жорий йилда саноат корхоналаримиз ва ҳокимлик томонидан автокорхоналаримизга 15 та «ЛАЗ» туркумидаги автобуслар олиб берилди. Яқин келажакда шаҳарда троллейбуслар қатновини йўлга қўйиш юзасидан ҳам амалий ишлар олиб борилмоқда.

— Кундалик рўзғор ишларидаги мушкулликлар ўз йўлига. Аҳолига яхши хизмат кўрсатиш, уларнинг қийинчиликларини осонлаштириш борасида қандай тадбирлар кўрилмоқда?

И. ҲОЖИЕВ:— Шаҳардаги мавжуд 704 та давлат қарамоғидаги уйларимизда шаҳримиз аҳолисининг қарийб ярми — 80 минг киши истиқомат қилади. Бу рақам ой сайин бириб бормоқда. Шуни назарда тутган ҳолда хонадонларни сув, электр қуввати, газ ва иссиқ сув билан таъминлаш масаласи долзарблигича қолиб келмоқда. Четдан келтириладиган қувур ва шу каби ашёлар билан марказлаштирилган тартибда таъмин этишнинг йўққа чиққанлиги коммунал хизмати идоралари ходимлари олдига мураккаб вазифаларни қўймоқда.

Мавжуд қийинчиликларга барҳам бериш учун ўтган йили шаҳримизда қўшимча очиқ сув ҳавзаси ишга туширилди. Фойдаланишда бўлган иссиқ сув узатиш қозонхоналарининг қуввати оширилмоқда. Аҳоли истиқомат қиладиган уйлар кенгайтирилишини инобатга олган ҳолда келажакда яна битта қозонхона қуриш ниятимиз бор.

Д. АЗИЗХЎЖАЕВ:— Маҳаллаларда олиб борилаётган қайта тузишлар ҳақида ҳам гапириб берсангиз?

И. ҲОЖИЕВ:— Ўз таркибига 58 та маҳалла қўмиталарини бирлаштирган хусусий хонадонлардан иборат маҳаллалар бошқарувини такомиллаштириш мақсадида ҳам амалий тадбирлар белгиланди. Натижада улар сони камайтирилиб, 26 та маҳалла қўмиталарига бирлаштирилди. Шаҳар ҳокимлиги вакиллари маҳаллаларда мавжуд бўлган муаммоларни ҳал этиш борасида мунтазам равишда халқ йиғинларида бўлишиб, кексалар билан бамаслаҳат иш олиб бормоқдалар. Ўз навбатида маҳалла аҳилларини умумшаҳар миқёсида ўтказиладиган тадбирларда фаол иштирок этишларига замин яратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллик кунининг бир йиллиги арафасида 90 оиланинг янги, шинам уйларга кўчиб ўтганлиги эса нур устига нур бўлди.

— Аҳолини озиқ-овқат билан таъминлаш — энг оғир муаммолардан биридир. Чунки, тирик жон борки, ейман дейди, ичаман дейди...

Д. АЗИЗХЎЖАЕВ:— Бу масала бўйича Борис Сергеевич ҳамда Любовь Семеновна шуғулланишади. Улардан ҳам эшитайлик.

Б. С. КИМ:— Аҳолини озиқ-овқат билан таъминлаш чиндан ҳам оғир масала. Шуни айтиш керакки, бу муаммолар шаҳар ҳокимлигининг доимий диққат-эътиборида турипти. Шаҳримиз ҳудудида Чирчиқ шаҳар савдо ташкилотига қарашли 150 та катта-кичик дўконлар, битта марказий универмат аҳолига хизмат қилмоқда. 45 та дўконда белгиланган тақсимот асосида озиқ-овқат ва саноат моллари сотилмоқда. Ҳудога шукурки, ҳали белгиланган тақсимот орқали бериладиган моллар билан аҳолини таъмин этишда узилишларга йўл қўйилмади.

Аҳолига умумий овқатланиш бўйича хизмат кўрсатишда ҳам дуруст ишлар амалга оширилмоқда деса бўлади. Бу борада, айниқса, давлат таъминотидаги муассасалар мактаб, болалар боғчалари ва шу кабиларни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъмин этишда кўнгилдагидек иш олиб бормоқдалар. Республикамиз Президентининг Фармонига асосан 1—4 синфларда 13 минг нафар ўқувчи бепул нонушта билан таъмин этилмоқда.

Аҳолига уч ресторан, 14 қаҳвахона, 105 ошхона ҳамда 25 та буфет хизмат кўрсатмоқда. Нон заводи, нижарадаги сут ишлаб чиқариш корхонаси, гўшт комбинати, озиқ-овқат комбинати, марказий деҳқон бозори ва унинг 7 та шахобчаларида савдо ишлари амалга оширилмоқда. Савдо ишларини тўғри ташкил қилиш натижасида кўзда тутилган 454 миллион сўмлик ўрнига 513,8 миллион сўмлик маҳсулот айрибошланиб, режа 113,2 фоизга етказилди.

Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш борасида ҳам шаҳримиз ўзига хос хусусиятларга эга. Шунинг учун ҳам шаҳар маиший хизмат корхоналари томонидан аҳолига юздан ортиқ тур бўйича хизмат кўрсатилмоқда. Хом ашё танқислиги, хизмат кўрсатиш баҳоларининг кескин ортганлигига қарамай, ўтган тўққиз ой мобайнида ҳар бир киши бошига кўрсатилган маиший хизмат кўрсаткичи 631 сўмга тўғри келди. Мавжуд вазият хизмат кўрсатиш маданиятининг бирмунча яхшиланишига олиб келди.

Аҳолини арзон нархдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминлаш учун савдо ташкилотларимиз қўшни ноҳиялардаги хўжаликлар билан 10 та ҳамкор корхоналар ташкил этишди. Улар «Дала-дўкон» услубида, воситачиларсиз савдо ишларини олиб бормоқдалар.

Аҳолини қиш фаслида узлуксиз озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъмин этиш ҳокимлигимизнинг асосий вазифасидир. Шаҳримиз аҳолиси эҳтиёжи учун 6 минг тонна картошка четдан ва 800 тоннаси қўшни ноҳиялардан келтириб ғамланиши лозим. Харид қилинадиган маҳсулотларимиз учун олдиндан ҳақ тўлаш жорий этилганлиги туфайли шу мақсадга шаҳар корхоналари орқали 120 миллион сўм ажратилиши кўзда тутилмоқда. Бундан ташқари қишга 2458 тонна сабзавот ва 528,5 тонна мева маҳсулотлари ҳам ғамлаб қўйилмоқда. Хуллас, қишда одамларимиз қийналмайди, деб ўйлаймиз.

— Моддий ҳаёт билан маънавий ҳаёт чамбарчас боғлиқ. Халқимиз чиндан ҳам хушчақчақ, илм-фанга чанқоқ, тўй-томошани яхши кўради...

Ф. ҲАЛИЛОВА:— Ҳукм сураётган иқтисодий оғир шароитда маориф, маданият, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот соҳаларини қўллаб-қувватлаш ҳаётимизнинг келажагини таъмин этишдир. Шаҳримиз вилоятда йирик маданий, маърифий ва тиббиёт марказларидан бўлганлиги, қолаверса, шу соҳаларда ишловчи кишилар ижтимоий жиҳатдан энг кам муҳофазаланганликлари учун ҳам ҳокимлигимиз томонидан уларга алоҳида диққат-эътибор берилмоқда. Бу борада республикамиз Президенти томонидан аҳолининг айрим ижтимоий қатламларининг турмуш даражаларини яхшилашга қаратилган фармонларини ҳаётга тўлиқ татбиқ этиш муҳим вазифамиздир.

Президентнинг мазкур фармонлари асосида шаҳримизда истиқомат қилувчи 700 дан зиёд муаллимлар, ўнлаб нафар тиббиёт ходимлари ҳамда ижодий ходимларнинг давлат томонидан қурилган уйлари хусусий мулк сифатида ўзларига берилди. Бу йўналишдаги ишлар давом этмоқда.

Шаҳарда иқтидорли ёшларни аниқлаш ва уларнинг келажакдаги ишларида раҳнамолик қилиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Шу боисдан ҳам бир неча мактабларимизда олий ўқув юртлари билан ҳамкорлик қилувчи лицейлар, турли хил тўгараклар ташкил этилган. Мана шундай тўгараклардан бири — шоҳмот ҳаваскорлари аъзоларидан уч нафари яқинда Филиппиннинг Манила шаҳрида ўтказилган жаҳон олимпиадасида команда ҳисобида фахрли иккинчи ўринга сазовор бўлдилар.

Тиббиёт соҳасида шаҳримиз ўзига хос имкониятларга эга. Шифохоналаримизнинг аксарият қисмида замонавий тиббиёт жиҳозлари мавжуд. Энг муҳими, беморларни ширинсуҳанлик, билимдонлик билан даволовчи малакали мутахассисларимиз бор. Яқинда эса йирик жарроҳлик бўлими биноси қуришни бошлаб юбордик.

Аҳолига маданий хизмат кўрсатиш бўйича машғул бўлган 4 та маданият саройимизда боғча ёшидан тортиб саксон ёшгача бўлган кексаларимиз қўплаб хил санъат турларига жалб этилган. Ундан ортиқ кинотеатр ва клубларда кинолар намойиш этилмоқда. Шаҳарда 3 та йирик спорт комплекслари мавжуд бўлиб, уларда минглаб кишилар жисмоний тарбия турлари билан машғулдирлар.

Чирчиқда 30 мингдан зиёд қариялик ва ногиронлик нафақаси оладиган кишилар истиқомат қилади. Ҳар қандай жамиятнинг даражаси унинг ўз кексаларига, ногиронларига қилаётган ғамхўрлиги билан белгиланишини тўғри тушунган ҳолда шаҳримиз ижтимоий таъминот бўлими томонидан ёрдамга муҳтож, ёлғиз кексаларга ҳар томонлама ёрдамлар ташкил этилди ва этилмоқда. Хусусан, шаҳримизда истиқомат қилувчи 30 мингга яқин нафақахўрнинг, бошқалар ёрдамига муҳтож бўлган 30 дан ортиқ кишиларнинг иссиқ-совуғидан хабар олиб турувчи «Ғамхўрлик» гуруҳини тузганмиз. «Ғамхўрлик» аъзолари томонидан олиб борилаётган ишлардан отахонларимиз ва онахонларимиз жуда миннатдор бўлмоқдалар. Булардан ташқари яна бир тоифа кексаларимизга ўзлари истиқомат қилувчи жойга яқин ошхоналарда тушлик таомлар бепул берилмоқда.

Д. АЗИЗХЎЖАЕВ:— Менимча, бугунги давра суҳбатимизда яқин ўтмишда, шу кунларда қилган ва истиқболда амалга оширадиган ишларимизнинг кўлами яна бир бор кўз ўнгимизда гавдаланди. Бундай давра суҳбатлари аҳолининг кенг доираси учун шаҳар ва районларда ҳокимликлар томонидан амалга оширилаётган ишларни тасаввур этишда катта ёрдам беради. Шу маънода «Тошкент ҳақиқати» муҳарририятига ташаккур айтиш билан биргаликда, бундай мулоқотларни корхоналарда ва бошқа ташкилотларда ҳам давом эттириш умумий мақсадга эришишимизда яхши самара беради, деган таклифни ўртага ташламоқчиман. Бугунги суҳбатда иштирок этган кишиларнинг ҳаммасига миннатдорчилик билдиришга ижозат бергайсизлар.

— Раҳмат!..

СУРАТЛАРДА: шаҳар ҳаётидан лавҳалар (қўйида). И. ТАНГАБОЕВ ва И. ЎТАГЕНОВ олган суратлар.

ШАРОФ РАШИДОВ ТАВАЛЛУДИНИНГ 75 ЙИЛЛИГИГА

ҚИЗҒИН ТАЙЁРГАРЛИК

Республика ўқув-методика маркази жамоат ва давлат арбоби Шараф Рашидов таваллудининг 75 йиллиги шарафига қизғин тайёргарлик кўриш борасида муҳим тадбирларни белгилаб олдилар.

Жумладан, Ш. Рашидовнинг ҳаёти ва ижодини дарслик ва ўқув-методик қўлланмаларга киритиш, жамоат ва давлат арбоби мавзусида илмий-амалий анжуман ўтказиш, «Ш. Рашидов ва Ўзбекистоннинг сиёсий-иқтисодий ва маданий тараққиёти», «Ш. Рашидов ва Ўзбекистон халқ таълими тараққиёти» мавзусида кўргазма ташкил этиш ҳамда халқ таълими фахрийлари ҳамкорлигида учрашувлар ўтказиш режалаштирилди.

М. СУЛАЙМОНОВ.

СИЖЖАК ВА НАНАЙДА КАТТА ТЎЙ

КЕЙИНГИ пайтларда вилоятимизда район ҳокимликлари, маҳалла қўмиталари, қишлоқ шўролари ва бошқа жамоатчилик ташкилотларининг ташаббуслари билан ночор, кам даромад оилалар фарзандлари ҳамда ҳеч кими йўқ — етим болаларнинг суннат тўйини ўтказиш анъанавий тус олмоқда.

Яқинда ана шундай ҳайрли тадбирлар Бўстонлиқ районидаги Нанай ва Сижжак қишлоқларида ҳам амалга оширилди. Нанайда бўлиб ўтган 5 нафар болажонларнинг тўйи катта базмга айланди. Эрта тонгдан бошланган тўй кечгача давом этди. Катта дошқозонда ош дамланиб, халқ дастурхонига тортилди.

Тўй болаларни район ҳокими Қамбар Йўлдошев, Жаҳонобод қишлоқ шўроси раиси Жўра Кенжаевлар қизғин табриклади. Тўйда иштирок этган вилоят ҳокимининг ўринбосари Ҳ. Ҳамидов тадбир ташкилотчиларига ҳокимлик номидан миннатдорчилик билдирди. Республика болалар жамғармаси раисаси Мунира Солиҳова жамғарма ҳисобидан ҳар бир болага биттадан костюм-шим совға қилди.

Сижжакда ҳам бир йўла 7 нафар фарзанднинг суннат тўйи ўтказилди. Тўйда район раҳбарлари иштирок этишиб, болаларни самимий қутлашди. Тўйга таклиф этилганлар болаларга ўз тўйёналарини тақдим этишди. Шу куни қариялар ташаббуси билан болалар ҳисобига ҳайрия тариқасида пул ўтказиш авжига чиқди. Жумладан, меҳнат фахрийси Ш. Аҳмедов қишлоқ кексалари номидан 1200, сижжаклик фермер Н. Тиллаҳўжаев 500, меҳнат фахрийлари Р. Мирҳўжаев 500, Н. Аҳмедов 700, «Чорбоғ» жамоа хўжалиги раиси Э. Тўйчиев 2000 сўм, район матлубот жамиятлари уюшмаси бошқаруви раиси Т. Баракаев, Бурчмулла ўрмон хўжалиги директори А. Абдухалилов ва Хўжакент матлубот жамиятининг раиси А. Эргашевлар минг сўмдан, 43-ўрта мактаб директори И. Бўриев минг сўм пул ўтказди. Ушбу тантанани ўтказиш учун «Чорбоғ» жамоа хўжалиги 20 минг, Хўжакент матлубот жамияти 10 минг, И. Аҳмедов раҳбарлигидаги Қайнарсой дам олиш уйи жамоаси 5 минг, Ҳ. Қобилов раҳбарлигидаги тиқувчилик фабрикаси жамоаси 6 минг, Бурчмулла ўрмон хўжалиги жамоаси 3 минг сўмдан пул ажратишди.

Яна шуни мамнуният билан айтиш керакки, Чорбоғдаги Қ. Нурхўжаев раҳбарлик қилаётган дезинфекция станцияси жамоаси ҳар бир бола учун жамғарма банкида алоҳида омонат дафтарчаси очиб, маълум миқдорда пул ўтказди.

Иззатилла ПИРМЕТОВ.

Бўстонлиқ автовокзалида чипта сотувчи бўлиб ишлаётган Асия Русметова касбдошларига ҳар томонлама намуна бўлмоқда. У доим йўловчиларга маданий хизмат кўрсатишга интилади.

Суратқаш М. МАҲМУТОВ.

• Одамлар ва тақдирлар

ДАДАХЎЖАБОЙ АСЛИДА КИМ ЭДИ?

Октябрдаги тўс-тўполон кунларнинг бирида уйи, ҳовлиси, мол-мулки мусодара қилинаётган бир киши большевой комиссардан:

— Ўғлим, асл мақсадларингиз нима ўзи?— деб сўради.

Қора чарм плашч кийган комиссар баланддан келди:

— Сизга ўхшаган бой-бойларнинг думини тутиш!

Кекса бой бу сўзларни эшитгач, афсусланиб шундай деган экан:

— Эҳ, аттанг, биз эса камбағалчиликни йўқотмоқчи эдик...

Бу сўзларни тошкентлик таниқли бой Дадахўжа айтганди. «Биз камбағалларни йўқотмоқчи эдик» деганида «большевой»ларга ўхшаб зўравонлик билан одамларнинг мол-мулкини талаш, қамаш, ўлдиришни эмас, балки халқ орасида камбағалликни йўқотиш, халқнинг бадавлат бўлиб яшашини назарда тутган эди. Чунки камбағаллик, қашшоқлик — бу халқ фожиасидир.

Биз 74 йил давомида «бойлик», «бой» деган сўзларни айтишдан чўчиб келдик. Гўёки бу сўзлар уят, ҳақорат эди. «Эрксевар совет тузуми» яратган сиёсат натижасида биз яшаётган жамият ҳозирги аянчли аҳволга келди, савдогарлар йўқ қилиниб, одамлар чайқовчиликка ўргатилди. Бойларнинг йўқ қилиниши эса ҳаммани қашшоқларча фикр юритишга, қуллиқда яшашга ўргатиб қўйди.

...Уй-жойлари, мол-мулки мусодара қилинганидан сўнг Дадахўжабой оиласи билан ўзи яратган боғига кўчиб ўтди. У ўз меҳнати билан қурган уйини ташлаб кетар экан, ўша даврни эслади...

...Ёз паллааси маромига етган. Пишиқчилик пайти. Шаҳар атрофидаги боғ-роғларида хилма-хил мевали дарахтлар шохларида ҳосили кўплигидан эгилиб синишгача борди. Ёш Дадахўжа Новзадаги отасининг боғидан меваларни от-аравага ортиб бозорга ташимоқда. Атрофдаги қўшниларнинг меваларини ҳам бажонудил элтиб беради. Бозорда кўтарасига савдо қилиб, яна орқасига қайтади. Ҳосилни тезроқ териб олмаса меваларнинг тўкилиб ерда нобуд бўлиши мумкин. Дадахўжа уларнинг ўволидан қўрқади. Ахир раҳматлик отаси бу дарахтларни кўкартиргунча, боғ барпо қилгунича озмунча машаққат чекканми?..

Ёз кунлари ҳам ўтди. Энди одамлар иморат қуриш билан овора. Фурсатни қўлдан бой бермай Дадахўжа шаҳар чеккасидаги дарахтзорларга серқатнов бўлди. Бировларнинг қуриб қолган дарахтзорларини кўтарасига харид қилади, уларни ўзи кесади, кейин Комолондаги шаҳар ҳовлисига туширади. Қурилишга ярайдиганларидан тўсин, устин тайёрлайди. Тўсинларни тахта бозорига олиб тушади ёки харидорларнинг ўзи уни уйидан савдолашиб олиб кетишади. Шох-шаббалардан саркин тайёрлаб, қишга ўтин учун ғамлаб қўяди. Қиш кунлари қолган дарахтлардан қайинотаси Акромхўжа ака билан бирга иморатга эшик, ром тайёрлашади. Буюртмачилар эса сероб. Йигит кишига қирқ ҳунар оз деганларидек, кези келганида қайинотасига қўшилиб иморат қуриш ишларида ҳам ишлайди...

Ана шу иморатни ҳам у ўз қўли билан қурганди. Қайинотасининг ташаббуси билан Самарқанд дарбоза маҳалласидаги сайҳонлик ерни сотиб олишди. Қиши билан иморатга керакли тахта, устун, тўсин, эшик-ромларни тайёрлашди. Баҳор келгач қайинотаси билан қурилишни бошлаб юборишди. Кузга борив иморат битди. Дадахўжа оиласи билан янги уйга кўчиб ўтди. Камолон маҳалласидаги ҳовлида укалари, сингиллари билан сиқилишиб яшашарди, бунинг устига укалари ҳам уйланиши керак, уларга ҳам уй-жой керак. Дадахўжа уйидан кўчиб кетса ҳам қари онаси, укалари, сингилларидан доим хабар олиб, рўзғорларидаги камчиликларини тўлдириб турди. Укаларининг уйланишида, сингилларининг узатилиш тўйларида ҳаммасига бошқош бўлди.

Янги уйга кўчиб ўтгач, Дадахўжа маҳалла аҳли орасида обрў-эътиборга эга бўлди. Унинг меҳнаткашлиги, сергайратлиги янги маҳалла одамлари орасида ҳурматини оширганди. Кераксиз бўлиб ётган сайҳонлик ерларда Дадахўжа қисқа вақт ичида ажойиб боғ барпо этгани ҳаммани лол қолдирганди. Одамлар уни «Қўли гул йигит экан!» деб мақташадиган бўлишди...

Шуларни эслар экан, Дадахўжабойнинг кўзларида ёш ғилтиллади. Ёш болалари уйсиз—жойсиз қолганига чуқур қайғурди, аммо чуқ этган овоз чиқаргани йўқ.

Бир куни Дадахўжа уйига қайтганида қайинотаси билан бирга иккита ўрис киши кутиб ўтиришганди.

— Ўғлим,— деди уста Акромхўжа ака,— булар Янги шаҳар усталари экан. Ишимизга ҳаваси келиб, ўзлари билан биргаликда Янги шаҳар қурилишида ишлашга таклиф қилишаяпти. Сиз нима дейсиз?

— Хорошо заплатим,— деди ўрислардан биттаси. Уни ёнидаги кексароғи:— Бик яхши ҳақ тўлим, сўйли, — деб ўриснинг сўзларини татарчасига ўгирди. Келганлар Янги шаҳарда ўрислар тузган «артел»дан экан. Руслар ўша вақтда Ўрданинг нариги бетида ўзлари учун Янги шаҳар қуришни бошлашганди. Петербургдан ҳали темир йўл йўқ эди. Қурилишга ишлатиладиган материалларни Русиядан келтиришнинг иложи бўлмаганлигидан кейин ўрис усталари маҳаллий миллат вакилларига ёрдам учун мурожаат қилишарди.

Ўрис уста яна нималарнидир тошиб гапирди, татар чол уларнинг сўзларини ўгириб турди:

— Қиш фаслида сиз усталар ишсиз қоласиз, бизда эса қишин-ёзин ишлаш мумкин. Кейин бизда яхши ҳақ тўланади. Акромхўжа уста маслаҳат сўраганн куёвини кутиб ўтирганди. Хуллас ўша куни келишиб, энди Дадахўжа қайинотаси билан бирга Янги шаҳар қурилишида иш бошлади.

Дадахўжанинг энди сиранам бўш вақти қолмади. Ўрис усталарининг бошлиқлари Дадахўжага Эски шаҳардан иморат қурилишига ускуналар, тахта, хумдонлардан чиққан пишиқ ғиштларни етказиб бериб туради. У билан бирга бошқа аравакашлар ҳам ишлашади. Дадахўжа бироз маблағ тўплагач, қайинотасига айтди:

— Отажон, ғиштларни сотиб олгандан кўра хумдон қурдирганимиз маъқул эмасми?

Акрамхўжа ака эса хумдон қурдиргандан кўра тайёрини сотиб олган маъқул, деди. Бу таклиф икковига ҳам маъқул тушди. Иккови жамғармаларини ўртага қўшиб, ғишт пиширадиган хумдон сотиб олишди. Энди Дадахўжа ака буюртмачилар олдига бориб сарғайиб ўтирмасди, шахсий хумдонидан тайёр ғиштларни ўрис буюртмачиларга тўғридан-тўғри етказиб берадиган бўлди.

Дадахўжа асли тадбиркорликни қайинотасидан ўрганди. Акрамхўжа аканинг қўлидан келмайдиган ишнинг ўзи йўқ эди: иморат устаси, боғбон, тижоратчи. Ана шуларнинг ҳаммасини амалда кўрди. Қайинотасидан одамлар билан муомала қилишни ўрганди, ёмон-яхшини, оқ-қорани ажратадиган бўлди.

— Ўғлим,— дер эди кекса Акрамхўжа ака,— икки нарсани дилингизга қаттиқ тугиб қўйинг: Энг аввал бировнинг ҳақига хиёнат қилишдан қўрқинг. Иккинчиси, халқ орасида ҳурмат—обрўингизни сақланг. Обрў-ҳурматга фақат ҳалол меҳнат билан эришилади. Шуни эсдан чиқармангки, обрў-эътиборга йиллар давомида эришилади, аммо уни бир кунининг ўзида йўқотиш мумкин. Ана шу менинг айтган гапларимга амал қилсангиз, ҳаётда ҳеч қоқилмайсиз.

Дадахўжа қайнотасининг гапларига амал қилди. У ўз вақт ичида ҳалол меҳнати, яхши муомаласи билан кишилар орасида обрў-эътиборга эришди. Маҳалла аҳли уни бир овоздан маҳалла элликбошиси қилиб сайлади. Қилган ҳалол меҳнати эвазига унинг моддий даромади ҳам ошди, иқтисод тарафдан ҳам анча яхшиланди. Дадахўжага ўзи барпо қилган боғдаги мевали дарахтлар ҳам яхши даромад келтирди. Бунинг устига у устачиликни ҳам қўймади.

1905 йили Русияда биринчи инқилоб бўлиб ўтди. Бу ўзгаришнинг шабадаси Тошкентга ҳам етиб келди. Тошкентда ҳам шаҳар думасига сайловлар бўлиб ўтди. Эски шаҳардан шаҳар думасига икки киши сайланди. Бири Шайхонтоҳур даҳасидан Мақсудхон исмли киши, иккинчиси эса Бешёғоч даҳасидан Дадахўжа эди.

Шаҳар думасига аъзо бўлганидан кейин Дадахўжа халқ учун анча савоб ишларни бажарди. Рус тилини яхши билгани сабабли у маҳаллий халқнинг ариза, мурожаат, талабларини ўзи ёзиб ҳокимларнинг олдига олиб чиқар, шаҳар ҳокими билан тил топишишга интилар, одамлар шикоят ва илтимосларининг қондирилиши учун иложи борича ҳаракат қиларди. У шаҳар қурилишига ҳам ўз ҳиссасини қўшди. Самарқанд дарбоза кўчаси ўша вақтда жуда ёмон эди, қишда одам белигача лой кечиб юрар, ёзда тупроқ, чанг-тўзон, кечалари қоронғу бўларди. Аслида шаҳарнинг ҳамма кўчалари шундай аҳволда эди. Одамлар кечаси юришга қўрқишарди. Чироқ фақат бой одамнинг эшиги олдида бўлар эди, холос. Дадахўжа Самарқанд дарбозадан Чорсугача кўча қуриш ташаббусини ўз зиммасига олди. Дума аъзолигидан фойдаланиб, шаҳар ҳокимлари олдига йўл қурилиши талабини қўйди ва бунга эришди ҳам. Чорсудан то Самарқанд дарбозагача текис тош терилган йўл қурилди. Йўлнинг икки чеккасига кечаси ёнадиган чироқлар ҳам ўрнатилганди. Шундай қилиб, Эски шаҳарда биринчи марта икки чеккаси чироқли тош йўл қурилди. Шаҳар ҳокимларининг розилиги билан у ўзининг уйида рустузем мактабини очишга киришди. Дадахўжа иморат устаси эмасми, мактаб биносини у уч қаватли қилиб қурди. Биринчи қаватига мактабнинг хўжалик хоналари жойлашди, қолган икки қаватига синфлар хоналари қурилди. Шаҳар ҳокимияти бу ишга ўз ҳисобидан маблағ ажратди, мактаб ўқитувчилари ва хизматчиларига маош тайинлади. Дадахўжа бир йиллик ижарага минг сўмдан ортиқ пул оларди. Ўша пайтда битта семиз қўй икки-уч сўм нархда бўлса, минг сўм пулнинг қиймати қанчалигини тасаввур қилаверинг.

Дадахўжа даромадли ишларини янаям йўлга қўйди. Рус усталари билан янги шаҳарда ўзининг қурилиш артелини очди. У боғидан ҳам яхши даромад оларди. Ҳўл меваларини энди бошқа шаҳарларга ҳам олиб бориб сотиб, у ердан бошқа моллар келтирарди. Эски шаҳарда ҳам, янги шаҳарда ҳам дўконлари пайдо бўлди. Энди у ҳақиқий бойга ўхшарди. Аммо Дадахўжанинг асосий мақсади фақат бой бўлиш эмасди. Бойлик унинг учун яшаш шароитларининг яхшиланиши, фарзандлари ҳақиқий одам бўлиб етишиб чиқиши, бировга ҳеч ҳам муҳтож бўлмай, оиласида тинч-тотув яшашдан иборат эди. Ана шуларни амалга ошириш учун ҳаммасининг тагида иқтисод ётарди.

Дадахўжа энди таниқли бойлар қаторига қўшилди. Матбуот саҳифаларида унинг ҳам номини тилга олишадиган бўлишди. Ойбек «Қутлуғ қон» асарининг бир бобида Мирзакаримбой уйида гап бериши ҳақида ёзилади. Мирзакаримбойнинг уйига шаҳардаги энг таниқли бойлар меҳмонга келишади. Фалончи бой, фистончи бой... Ана шулар ичида Дадахўжабой ҳам тилга олинади. Ўша одам биз сўзлаётган Дадахўжабой эди.

У секин-аста ўз фаолиятини халқни маърифатли қилишга қаратади. 1909 йили Мунаввар қори, Абдулла Авлоний ташаббуси билан Тошкент шаҳрида «Ҳайрия» жамияти тузилди. Унинг тузилиши асосан жадидлар ҳаракати томонидан амалга оширилганди. Жамият фаолиятининг асосида халқнинг кўзини очиш, оми халқни илмсизлик ва жаҳолат боткоғидан олиб чиқиш ётар эди. Албатта бундай тадбир учун жамиятга катта маблағ зарур эди. Жамиятнинг иқтисодини бир неча бойлар ўз зиммасига олишди. Дадахўжабой ана шу тадбир учун анча фойдали ишлар қилди. У ўз ҳисобидан минг сўм ўтказди, жамиятга алоҳида уй қурдириб берди. «Ҳайрия» жамияти аъзолари жадид усулида ўқитиладиган мактаблар очиш, ҳали айтганимиздек, маърифатни тарғиб қилиш, ёш талабаларни чет элларга ўқитишга юбориш, ундан ташқари халқ орасида ҳайрия—эҳсон тадбирини оммалаштиришни амалга оширишарди.

Ўша пайтдаги «Туркистанский вестник» газетаси «Ҳайрия» жамиятининг ташаббуси билан «Ўғри кўча»сидаги жарликда янги мактаб қурилиши бошланганлиги ҳақида, бу ишнинг бошида шаҳар думаси аъзоси Дадахўжабой эканлиги ҳақида хабар беради.

«Ўғри кўча» жарликдан иборат бўлиб, у ердан ҳатто кундуз кунлари одам юришга қўрқар эди. Дадахўжабой шаҳар думасига мурожаат қилиб жарликни тўлғазишни, шу жойда жадид мактаби қуриш ҳақидаги халқнинг таклифини олиб чиқди. Дума аъзолари ва шаҳар ҳокими бу масалани кўриб чиқиб, мактаб қурилишига маблағ ажратолмаслигини айтишади. Дадахўжабой маблағни яна бошқа бир бой билан биргаликда ҳаражатини ўз зиммасига олишини айтади. Шаҳар ҳокими бу маслаҳатга кўнди, аммо мактабни рус-тузем мактаби қилиб қурилсагина ҳамма ташкилий ишлар бажарилишини айтди. Ҳокимни кўндириш учун Дадахўжа бу шартни қабул қилди. Унинг нияти кейинчалик мактабни жадид мактабига айлантириш эди. Ҳокимга шу йўл билан сиёсат қилинмаса бошқа илож йўқ эди. Дадахўжабой мактаб қурилишига ўзи бошчилик қилди ва қурилишни тузатиб, икки йилда битказди.

Инқилобдан олдин Эски шаҳарда атиги биттагина шифохона бўлганди. Қори Ниёзий хотира китобида ёзишича Туркистонга ажратилган асосий маблағлардан масжид-мадрасалар беркитилди.

Дадахўжабойнинг ҳам 1918 йили уй-жойи ва мол-мулки мусодара қилинганидан сўнг у оиласи билан боғидаги кулбасига кўчиб ўтди. Энди унинг тирикчилиги фақат ўзи етиштирган ҳосилни бозорда сотиш билан ўтарди.

1924 йили Ўзбекистон большевойлар фирқасининг 1 қурултойи бўлиб ўтди. Унда бойлар ва савдогарларга қарши очиқдан-очиқ кураш эълон қилинди. «Қуйидан юқорига» деган шиор остида ҳамма зиёли одамлар қаттиқ таэйиқ остига олинди. Дадахўжабойнинг уй-жойи мусодара қилинган бўлса ҳам 1928 йилга келиб унинг боғини ҳам зўрлик билан тортиб олишди.

Дадахўжабой кенжа ўғли билан амал-тақал қилиб кичкина ҳовли сотиб олди, ўша ерда истиқомат қила бошлади. Қариб куч-қувватдан қолган бўлишига қарамай бировнинг қўлига қараб қолишдан номус қилиб, ўзи пул топишга уринди, кенжа ўғли билан новвойлик қилди, нонларни саватга териб, бошида кўтарганича бозорга олиб тушиб сотди. Ҳар тарафга тарқаб кетган фарзандлари тўққизта эди, улар беш ўғил, тўрт қиз ўз турмушларини озми-кўпми тиклаб олишган, ҳаммасининг қўлидан иш келарди. Шунга қарамай Дадахўжабой ўғилларига «қариган чоғимда мени боқинглар» демади, аслида бундай дейишга у тўла ҳақли эди. Уни сўнгги пайтларда кўрганларнинг айтишича, неваралари уни қўлтиғидан суяб, эшик остонасидаги кичкина курсига ўтказиб қўйишар экан.

Яхшидан боғ, ёмондан доғ қолади деганларидек Дадахўжабойдан фақат яхшилик қолди. Унинг ўзи қурган хонадони анча вақтгача болалар уйи, кейинчалик боғчага айлантирилди. У яратган боғ ҳосилидан атрофдаги халқ баҳраманд бўлиб келди. У қурган мактаб биносида ҳалигача фарзандларимиз илм олишмоқда.

...Бир куни тасодифан Самарқанд дарбоза кўчасига йўлим тушиб, Дадахўжабойнинг ўша хонадонига кирдим. У жойда 200—250 нафар бола югуриб юрганини кўрдим. Боғдан эса асорат ҳам қолмаган. Бир ёлғиз қария ўтириб маҳси ардарар эди. Фурсатдан фойдаланиб кўчиб кетган оёқ кийимимни тузалтириб олмоқчи бўлдим. Қарияни секин гапга солдим:

— Отахон, бу болалар боғчаси илгари кимнинг хонадони бўлган? Қария бирдан жонланиб:

— Э, бу жойларнинг ҳаммаси Дадахўжабойнинг ерлари эди. Биз ўтирган жой ҳам унинг боғига қарашли эди. Жуда катта боғи бор эди.

— У одамни кўрганмисиз ўзи?

— Кўрганда қандоқ, ўғлим. Менинг болалигим ўшаларнинг хонадонида ўтган. Раҳматли отам бой отамнинг фаэтонларини ҳайдарди. Бойнинг ўзи отамни уйлантирган, уй-жойлик ҳам қилган экан. Ҳозиргача яшаб келаётган уйимиз ҳам ўша бой отамдан қолган. Худо раҳмат қилсин, жуда ҳиммати баланд, тадбиркор, ишнинг кўзини яхши биладиган доно одам эдилар. Ялқов ва ишёқмасларни жуда ёмон кўрардилар. Бекорчи юрган одамни кўрса: «— Ҳов, фалончи, бекор юргандан кўра бекор ишласанг бўлмайдими?!»— дер эдилар. Қанчадан-қанча бекорчи одамларни ўзи йўлга солиб, иш топиб берган. Одамларга кўп яхшилик қилган...—

Мен чол билан хайрлашар эканман, «ҳозирги пулдор кишилар-чи, улар ҳам шунақа савобли ишлар қилишяптими? деб сўрамоқчи бўлдиму, бу саволимга қандай жавоб олишимни олдиндан билганим учун индамадим.

Алишер МАҲСУМОВ.

• Ҳар тўғрида

КАПАЛАК ҲАМ ТАОМ

● ЧУМОЛИЛАР, қуртлар, ўрмон бургалари ва ҳашаротларнинг айрим турлари, капалаклар кимлар учун мазали таом ҳисобланади. Кўпчилик Мексика штатларининг аҳолиси ўз таомлари рационига юқорида номлари айтилган ҳашаротларни бажонидил қўйишишади. Вақт ўтиши билан бу одат сусаймасдан, айниқса кейинги йилларда янада авж олаяпти. Мексика миллий университети биология факультети ходими Хосе Монуэль Пино олиб борган тадқиқотлари натижасида шундай хулосага келди.

Олимнинг фикрича, тановвул қилинадиган кўпчилик ҳашаротлар таркибида протеин, аминокислоталар, дармондорилар, минерал тузлари, ёғлар, углевод ва калория миқдори анча кўпдир.

БЕШ ЙИЛ ДАРАХТДА ЯШАБ

● НИГЕРИЯНИНГ марказий қисмида жойлашган қишлоқлардан бирининг фуқароси Майкл Блама деярли беш йил дарахт устида яшади. Мутахассисларнинг айтишича, у номаълум асаб касаллигига мубтало бўлганидан кейин юқорига чиқиб, ўша ерда истиқомат қила бошлади. 45 ёшли эркак бир неча ҳафта илгари ерга тушишга қарор қилди. Бельгияда чиқадиган «Суар» газетасининг таъкидлашича, бундай ҳодисалар илгари ҳам содир бўлган экан. Масалан, қирқинчи йиллар бошларида португалиялик бир кимса қуюқ қарағайзор ўрмондаги дарахтларда 36 ой яшаган. Фақат қаттиқ қиш уни инсонлар бағрига қайтишга мажбур қилган.

НАҲОТКИ БОШҚА САЙЁРАЛИКЛАР ЎҒИРЛАГАН:

● УЗОҚ Шарқ ҳарбий округи командирлиги июль ойи охирларида диспетчерлар нигоҳидан йўқолиб қолган СУ-27 ҳарбий тайёрани излаб топиш бўйича тузган комиссия ўз фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлди.

Қидирув отрядлари Охот денгизи минтақасидаги қирғоқнинг ҳар қаричигача текширди, денгизнинг ўзида ҳам кенг кўламда қидирув ишларини олиб борди. Лекин, ундан ҳеч қандай натижа чиқмади.

Замонавий ҳарбий тайёра бошқа сайёраликлар томонидан ўғирланган бўлиши мумкин, деган тахмин ҳам билдирилмоқда. Худди тайёра ғойиб бўлган кунларда НУЖлар шу ерда кўплаб пайдо бўлганлигини махсус хизматлар қайд қилишган эди. Америка матбуотининг тасдиқлашича, Россия чегараси билан туташ бўлган районда АҚШ ҳарбийҳаво кучларининг тайёраларидан бири ҳам ном-нишонсиз йўқолган. Наҳотки бошқа сайёраликлар эндиликда бир-бири билан яқинлашаётган давлатларнинг ҳарбий қудрати ҳақида музей «ташкил этаётган» бўлишса?

Муҳаррир Н. НАСИМОВ.

• ЭЪЛОН •

ТАШКИЛОТ АВТОСЕРВИС УЧУН ҚУЙИДАГИ УСКУНАЛАРНИ СОТУВГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

● «Элдис-1010, 1200» мувозанатлаш дастгоҳларини,
● автомобиллар учун кўтаргичлар,
● ғилдиракларнинг жойлашувини ростловчи стенд,
● шиналарни ўрнатиш ва бўшатиб олиш,
● электр вулканизатор ва бошқа мосламалар.

МАНЗИЛИМИЗ: 700099. Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 118-уй, 607-хона.

ТЕЛЕФОНЛАР: (3712) 34-25-81, 34-66-44.



Тошкент ҳақиқати

МУАССИСЛАР: ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ВА «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ЖУРНАЛИСТЛАР ЖАМОАСИ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲ: 700000 ТОШКЕНТ, ГСП ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32.

Телефонлар:

ХАТЛАР ВА ОММАВИЙ ИШЛАР БЎЛИМИ — 33-40-48.
ЭЪЛОНЛАР ВА ТИЖОРАТ БЎЛИМИ — 33-99-15.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концернининг босмахонаси. 700000, Тошкент, ГСП, 700000, ГСП, Ленинград кўчаси, Газета офсет усулида А—2 форматида босилади. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12

Нашр кўрсаткичи: Г-398. Индекс: 64672. Босишга топшириш вақти — 20.30. Босишга топширилди — 22.00. 31730 нусха босилади.